

1930 йил  
12 майдан  
чиқа  
бошлаган



# Посиджа

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИБ НАШРИ

№ 5 (3325)

2000 йил 4 февраль, жума

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

## ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу ҳафтада жамиятимиз яна бир бор президент сайловида тўғри йўл танлаганлигига амин бўлди. Иккинчи муддатга давлат раҳбари этиб сайланган Ислоҳ Каримов Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгагининг йиғилишида қилган маърузасида Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамият асосларини қуриш ўзгармас бўлиб қолишини таъкидлаганлари бунинг ёрқин исботидир.

Бу юксак мақсадларга эришиш йўлини белгилаб берар экан Президент, ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш – бизнинг олға силжишимизда асос ва кафолат эканлиги, бу нафақат иқтисодий, шу билан бирга ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал этишнинг бош шарти эканлигини таъкидладилар.

Мамлакатимиз бу йўналишда маълум ютуқларга эришди. Иқтисодиётнинг бошқарув тизими тубдан ўзгартирилди, ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларини бошқаришнинг кўпроқ мос келадиган янги тизими ташкил этилди, бозор инфратузилмаси асослари барпо қилинди. Бундан ташқари, мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пойдевори бўлиб хизмат қиладиган, уларнинг ортга қайтмаслигини кафолатлайдиган мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Энг муҳими, мустақиллик йилларида одамларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати ҳам ўзгарди. Улар турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги, аввало ўзларига боғлиқ эканлигини тушуниб етдилар.

Ўзбекистон халқи юртимизда кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида республика Президенти ва қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасида ўтказилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган хоҳиш-истагини яна бир бор намоян этди.

Шунинг учун, халқ кимга ишонч билдириб, юксак вакилликка сайлаган бўлса, дея таъкидлади Президент, улар ана шу ўз олдига демократик жамият, жаҳон ҳўжалик тизими билан кенг кўламда интеграциялашган барқарор бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий давлат қуришдек юксак мақсадлар қўйган кишиларнинг ишонч ва умидларини оқлаши керак.

Давлат бошлиғи таъкидладикки, бугун замоннинг ўзи бу йўлда янги, янада аниқ, қатъий қарорлар қабул қилишни талаб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, деди давлат бошлиғи, биз ҳозир ҳаётимизнинг барча жабҳаларини, биринчи галда иқтисодий соҳани ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг янги, янада масъулиятли босқичи олдига турибмиз.

Агар ислоҳотларни чуқурлаштирмасак, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш учун зарур ҳуқуқий, ташкилий ва амалий шарт-шароит яратмасак, фақатгина шакланган мавжуд вазият билан чекланиб қолсак, айрим тармоқ ва соҳаларда ислоҳотлар суст бораётганига нималар сабаб бўлаётганини атрофича таҳлил қилмасак, бу ҳол иқтисодиётни барқарорлаштиришга эмас, балки унинг бир жойда депсиниб туриб қолишига олиб келади.

Ислоҳ Абдуғаниевич ўз маърузасида иқтисодиёт, жамиятни ислоҳ қилишнинг ютуқларини таъкидлашдан чекланиш кераклиги, бунинг ҳеч қандай инкор этолмаслиги, муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўллари излаш, бизнинг олға интилишимизга халақит бераётган камчиликлар, ишга солинмаган резерв ва имкониятлар ҳақида кўпроқ бош қотиришимиз лозимлигини кўрсатиб ўтдилар. Бунинг учун, биз бугунни эмас, эртанги истиқболни ўйлаб яшашимиз керак. Ўз келажакимизни аниқ ва равшан тасаввур этишимиз, эртани кўзлаб, бугунги мавжуд муаммоларни зудлик билан ечишимиз лозим, дея таъкидладилар.

Иқтисодиёт соҳасида уни эркинлаштириш деганда, дея таъкидлади Президент иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи мажлисида, аввало давлатнинг назорат ва бошқарув функцияларини қисқартириш, корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятларига, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашни тушуниш керак. Хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш зарур. Иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига янада кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш керак.

Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида муҳокама этилган масалалар улкан, кенг қамровли, айни вақтда ҳал қилувчи ва жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига тааллуқли эканлиги билан муҳимдир.

Бу эса, уч мингинчи йил бўсағасида турган кўп миллатли Ўзбекистон халқи олдига вазифаларни изчил, аста-секин ва мустаҳкам тарзда, мустақилликнинг барча йилларида Ватанимиз ривожланганидек ҳал этиш масаласи турибди.

*Ватан муқаддас!  
Унинг тупроғи бебаҳо! У  
саждагоҳ! Бу сўзлар қал-  
бимизнинг туб-тубидан  
отилиб чиқади. Ҳа, ин-  
соннинг қалби, юраги  
битта бўлганидек Ва-  
тан ҳам ягонадир. У ҳеч  
қачон, ҳеч қаерда, ҳеч  
нарсага сотилмайди, ал-  
маштирилмайди. Шу ос-  
тонаси олтиндан-да  
қимматроқ бўлган, она  
каби ардоқланувчи Она-  
юртнинг бепойи сарҳад-  
ларини хавф-хатарлар-  
дан қўриқлашни ҳар ким  
ўз уйи, ўз маҳалласидан  
бошлаши керак.*

Кунни кеча Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов ана шулар ҳақида гапирди.

Унда шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, ички ишлар

## ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

бўлимлари бошлиқлари, ҳудудларнинг нозирлари, маҳалла посбонлари, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов сўзга чиқиб, ваҳобийлик, ҳизбут-таҳрир каби экстремистик оқимлар фаолиятига чек қўйиш ҳақида гапирди.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими А. Отабоев ҳам иштирок этди ва сўзга чиқди.

Худди шундай йиғилиш Андижон вилояти ҳокимлигида ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов сўзга чиқиб, вилоятнинг кўнгли тоза, лафзи ҳалол меҳнаткаш халқининг ютуқлари ва юқоридаги масала, хусусан, ижтимоий-маънавий ҳаётимизга раҳна солувчи, жамиятда носоглом вазиятни вужудга келтирувчи, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимлар ҳақида батафсил тўхталиди.

Музокараларда иштирок этган Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг раиси Шухрат Жалилов, Ўзбекистон Республикаси диний идоралар бош имом-хатиби Аб-

дурашидқори Баҳромов, Андижон шаҳар ИИБ 2-милиция бўлини маси участка вакили, милиция майори Дилшодбек Солиев, Асака тумани Кужгон қишлоғидан Акбарали Аскарлов, Избоскан тумани, Юқори Жонобод маҳалласи маҳалла посбонлари сардори Ҳусниддин Абду-саломов ва бошқалар Ватанни кўз қорачигидек асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини айтиб ўтишди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**М. КИМСАНБОЕВ,  
У. ЙЎЛЧИЕВА.**

9 февраль —  
Алишер Навоий  
таваллуд толган кун

**БИР СОАТЛИК АДОЛАТ  
ОЛТИМИШ ЙИЛЛИК ИБРАДАТДАН АФЗАЛ**



*Ҳақ амрию наҳйини кетур яхши бажо,  
Ўткарма қадам шаръ набийдин қатъо.  
Шоҳ хизматини тузлик ила айлагин адо,  
То икки жаҳонда бўлғайсан камраво.*

ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ – Тўлалигича бизнинг газетамизда!



## Халқаро алоқалар

САМАРАЛИ  
ҲАМКОРЛИК

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Германия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ўзаро фойдали алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда ва чуқурлашмоқда.

Республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов билан Германиянинг Ўзбекистондаги Фавкулдда ва мухтор элчиси доктор Р. Биндзайл ҳамда ГФР Федерал криминал хизмати (БКА) офицери Х. Маасен ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам буни тасдиқлаб турибди. Элчи мамлакатларимизаро муносабатлардан мамнунлигини баён қилиб, Ички ишлар вазирлигининг ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланётганини қайд этди, бу алоқаларнинг келажаги дорлоқлигига қатъий ишонч билдирди.

Б. Матлюбов ўз навбатида меҳмонларга икки томонлама алоқаларга катта эътибор бераётганлари учун миннатдорчилик билдирди. У сўнгги пайтларда немис му-

тахассислари бир неча ўқув семинарлари ўтказганини, жумладан, кинологик хизматни ривожлантириш бўйича семинарлар ўтказилганини, республика ички ишлар идораларининг бир қатор ходимлари Германиянинг

полиция тизимида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланishiга, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва бошқа йўналишлар бўйича тажрибаларини ошириб келганликларини қайд этди.

Учрашув чоғида германиялик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига иккита "Мерседес" микроавтобуси, ички ишлар идоралари тезкор бўлинмалари учун портатив рациялар, видео ва фотожизозлар ҳада этишди. Тўхфа қилинган техника мутахассислар томонидан юқори баҳоланди, ундан хизмат фаолиятида самарали фойдаланилажаги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз,

Суратда: учрашувдан лавҳа. А САПАРМАТОВ олган сурат.



## Қарор ва ижро

ТАШВИҚОТЛАР НАФ  
КЕЛТИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган, жойларда бу борада олиб борилаётган ишлар янада жонланиб кетди. Тошкент вилояти ИИБда экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича фаолият кўрсатаётган штаб томонидан вилоят ҳудудидаги мавжуд экинзорлар, хусусан ғалла экилган майдонларни пайҳон қилинишига йўл қўймаслик юзасидан белгиланган чора-тадбирлар қайта кўриб чиқилди. Ушбу хайрли ишга милиция ходимлари билан бирга қишлоқ фуқаролик йиғинлари вакиллари, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликни жалб этиш режаси тузилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, айни пайтда вилоятдаги экинзорларнинг харитаси тузилган бўлиб, уларни назорат қилиш йўналишлари белгилаб чиқилган. Бу жойларда 185 та кузатув постлари фаолият кўрсатмоқда. 538 нафар дала қоровуллари экинзорларда мол боқиш ва уларни ҳайдаб ўтиш, экинзорлардан автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси ўтиши, шунингдек экинларнинг нобуд бўлиши ва пайҳон қилинишига олиб келувчи бошқа салбий ҳолатларга қарши кураш олиб бориш айтилди. Уларга 120дан ортиқ отлар ажратилган. Олиб борилаётган ишларга 435

нафар маҳалла посбонлари ҳам жалб этилган.

Маълумки, биргина назорат орқали пайҳонгарчиликнинг олдини олиш мушкул. Шунини эътиборга олиб, фуқаролар ўртасида кенг тушунтириш олиб борилаётган. Қорамол, от, қўй-эчки боқилаётган хонадон аъзолари олдиндан огоҳлантирилмоқда. Мунтазам ташкил этилаётган ташвиқот-тарғиботлар ўз самарасини бераётган. Аммо шунга қарамай, баъзи фуқаролар масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда. Милиция ходимлари қишлоқ хўжалиги корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда экинларнинг пайҳон қилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича рейдлар ўтказган пайтда бунинг гувоҳи бўлмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган, дастлабки ҳафта давомида 28 та ана шундай ҳолат аниқланди. 103 та қорамол 2,11 гектар майдонни пайҳон қилгани маълум бўлди. Хўжаликларга 134.970 сўмлик зарар етказилди. Ушбу ҳолатлар юзасидан 28 нафар фуқародан суд орқали зарар ундирилиб, 40.275 сўм жарима солинди.

Ҳозирда пайҳоннинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар давом эттирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Шу йил 12 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорида қишлоқ хўжалиги экинларини нобуд бўлишига йўл қўйилаётганлиги ва бу борада олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермаслиги таъкидланиб, зарур тадбирлар кўрилиши режалаштирилди.

Қашқадарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари Вазирлар Маҳкамаси Қарорини ҳаётга тадбиқ этиш

КИМГА ФОЙДА,  
КИМГА ЗАРАР?

учун қатор ишларни амалга ошираётганлар: жумладан, хўжалик далаларида 149 та кузатув постлари ўрнатилган. Ғалла майдонларига 2942 нафар дала қоровули бериқилиб, уларга 130 та от ажратилди. Участка вакиллари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ходимлари, хўжаликнинг етакчи мутахассислари билан доимий ҳамкорликда дала қоровуллари ишини назорат қилиб бормоқдалар. Шу билан пайҳоннинг олдини олишга доир тарғибот ва ташвиқот ишларини юритишмоқда. Аммо шунга қарамай айрим лоқайд фуқароларнинг қарамотидаги чорва молларини далаларда қаровсиз қолдириши туфайли ғаллани пайҳон бўлиш ҳолатлари аниқланмоқда. Натижада шу йилнинг 28 январигача 50 фуқарога 68549 сўм миқдорда жарима солинди. Умумий пайҳон қилинган майдон 3,69 гектардан ортиқ майдонни ташкил этади.

Бошқарма қошида ташкил этилган ва доимий ҳаракатда бўлган махсус гуруҳ мунтазам равишда рейдлар ўтказиб турибди. Жумладан, шу йилнинг 13 январь куни Касби туманидаги "Наврўз" жамоа ширкат хўжалигининг Хўжаназар Хидиров бошлиқ фермер деҳқончилик хўжалиги ғалла майдонида фуқаро Ҳаким Эшмаматов ўзи ва фуқароларнинг 180 бош қўй-эчкисини боқиб юрганлиги ҳолати аниқлади. Дарҳол хўжаликнинг

28 январь куни Ўзбекистон Республикаси ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан вазирлик Марказий девони Бош бошқармалари, бошқармалари, мустақил бўлимларида хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича масъул бўлган ходимлар иш-

ВАЗИФАЛАР  
БЕЛГИЛАБ  
ОЛИНДИ

тирокида бир кунлик ўқув-услубий йиғини ўтказилди. Унда республика ИИБ ШТБХ жанговар тайёргарлик ва спорт бўлими бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги М. Худойназаров, шу бўлим катта инспектори милиция подполковниги Р. Эралиевлар 1999 ўқув йили якунлари, йўл қўйилган камчиликлар ва 2000 ўқув йилида бажариладиган вазифалар ҳақида ахборот бердилар. Шундан сўнг ўқув-услубий йиғин қатнашчиларини қизиқтираётган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Ўқув-услубий йиғинида республика ИИБ ШТБХ бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги ў. Жўраев қатнашди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

етакчи мутахассислари чақиртирилиб, пайҳон қилинган майдон ўлчанганда 80 сотих ерни ташкил этди. Ҳаким Эшмаматовнинг бепарволиги туфайли хўжаликка 16 минг сўм миқдорда зарар келтирилган. Назартепа қишлоқ фуқаролар йиғини қарори билан ундан зарар келтирилган сумма ундириб олиниб, у яна жаримага тортилди. Қарангки, биз раҳбарларни иш жойидан воқеа жойига топтириб келдик. Бу нимани кўрсатади? Албатта, хўжаликда бу борада аниқ тадбирлар йўқлиги кўзга ташланиб қолди. Хўжалик раиси Н. Холматовни учратмадик. Сен менга тегма, мен сенга тегмай қаби-

лида иш тутаётган раҳбарлар бугунги кун талабини чуқурроқ англаб етмоғи лозим. Лоқайдлик эса юқоридаги каби турлича беғамлик кайфиятини тугедиради, холос. Нишон туманидаги Туркманистон жамоа ширкат хўжалигининг Тўйчи Бердиев бошлиқ бригада ғаллазоридида фуқаро Нормамат Йўлдошевнинг 3 бош қорамоли ғалла майдонларини пайҳон қилиб юргани аниқланиб, унинг бир бош қорамоли сўйилиб, "Гўзал" болалар боғчасига топширилди. Нишон туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа ширкат хўжалиги ғалла бригадаси бошлиғи Мамат Қиличевнинг бир бош қорамоли хўжалик ғалла майдонида ғалла майдонларини пайҳон қилиб юрганлигини қандай тушуниш мумкин? Ахир, масъулиятли шахс бўла туриб бепарволикка йўл қўйишини кечириб бўладими? Туман суди қарори билан унга 3500 сўм миқдорда жарима солинди.

Қаерда беғамлик, лоқайдлик, назоратсизлик ва масъулиятсизлик ҳукм сурса, у ерда сансалорлик ва хўжалик юз беради. Токи бажарилиши лозим бўлган ишлар қозғаларда қолиб кетмаслиги шарт. Ахир, ғалланг мўл бўлса — қўшигинг бўлади деган гапни ёдда чиқармаслик керак.

Ўроз ҲАЙДАРОВ.

ЭКИНЛАР  
БЕВАҚТ  
НОБУД  
БЎЛМАСИН

Нон — дастурхонимиз кўрки. Уни мўл бўлиши учун ғалла майдонларини кўпайтириш ва энг муҳими, ғаллазорларни салбий ҳолатлардан асрашимиз керак.

Буни яхши англаган қишлоқ меҳнаткашлари ғаллазорларни агротехника талаблари асосида парваришlash билан бирга уларни пайҳон қилишдан сақлаб қолиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар, бу билан катта ғалла хирмонини бунёд этиш учун курашмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори жойларда кенг муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо минг афсуслар бўлсинки, ҳамма жойда ҳам бу қарорга бирдек жавоб қайтарилаётгани йўқ.

Албатта, бугунги кунда салбий ҳолатларни аниқлаш мақсадида вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жамоа хўжаликлари вакиллари, маҳалла посбонлари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, жойларда Вазирлар Маҳкамаси Қарори қандай бажарилаётганини ўрганмоқдалар. Рейд давомида жорий йилнинг 4-24 январь кунлари вилоятнинг 12 та ғаллазор туманларида ғаллазорларни пайҳон қилиш ҳолати аниқланган. Энди шу ўринда мисолларга мурожаат этасак: 4 январь куни Гўзалкент тумани Чимбойобод жамоа хўжалиги Поёнтоғ қишлоғида яшовчи Раҳим Ёлқуловнинг 5 бош қўйи шу жамоа хўжалигининг ғалла экинзорини пайҳон қилиб, тегишли миқдорда моддий зарар етказган. Чорва моллари эгасига суд томонидан 1750 сўм миқдорда жарима солинди.

18 январь куни Оқдарё туманидаги Фармонамон қишлоғида яшовчи Муртаза Отақуловнинг 4 бош чўққаси шу жамоа хўжалигининг ғалла майдонини пайҳон қилган. Хўжаликка етказган моддий зарари учун чорва моллари эгасига 1750 сўм миқдорда жаримага тортилди.

19 январь куни Каттақўрғон туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи ўқитувчи Ахтам Сафаровнинг 4 бош моли шу жамоа хўжаликнинг ғалла майдонини пайҳон қилиб, тегишли моддий зарар етказган. Қора молларнинг эгасига туман суди 1750 сўм миқдорда жарима солди. Шу билан бирга бир бош моли сўйилиб, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

22 январь куни Каттақўрғон туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги Гулва қишлоғида яшовчи Алишер Мирзаевнинг 2 бош эшаги шу жамоа хўжалигининг ғалла экинзорини пайҳон қилган. Ундан 1750 сўм миқдорда жарима ундириб олинди.

Кейинги йилларда кўпгина соҳалар қатори ғалламиз мустақиллигини таъминлаш ҳам ниҳоятда зарур бўлган вазифалардан бири бўлиб қолди. Шундай экан барчамиз бир бўлиб экинларни бевақт нобуд бўлишидан сақлаб қолайлик.

С. ЗОҲИДОВ,  
милиция майори

# САМИМИЙ ВА ОШКОРА РУҲДА

Сарҳисоб

Республика ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг бу галги мажлиси ҳар сафаргидан ҳам жонли, қизгин ўтди. Сабаби — йиғилишда марказнинг ўтган йилги фаолияти якунлари ва жорий йилдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ҳамisha фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини қадрлаб, улар ҳақида ғамхўрлик қилиб келган. Ўтказилган тадбирда Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Қодиров, ИИБ ШТБХ бошлигининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Ҳ. Жўраевларнинг иштирок этгани ҳам шундан далolat беради.

Жамоатчилик маркази расиси истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимовнинг ҳисобот маърузасидан ҳам, комиссиялар раҳбарларининг чиқишларидан ҳам шу нарса маълум бўлдики, ўтган 1999 йилда катта ишлар амалга оширилган.

Марказнинг бош вазифаси эл-юрт осойишталиги йўлида ёшлик куч-ғайратини,

билимини, керак бўлганда соғлигини аямаган фахрийларга ҳам моддий, ҳам маънавий ғамхўрлик кўрсатишдир. Ўтган йили хизмат вазифасини бажариш чоғида ногиронлик орттирган қўллаб-қувватлаш марказлари тузилди, ногиронлик аравачалари топширилди. Фахрийларга соғлигини тиклаб олиши, дори-дармон харид қилиши учун моддий ёрдам кўрсатилди. Табаррук ёшга етганларга чиройли қилиб юбилей тадбирлари ўтказиб берилди. Шу ўринда марказни вазирлик раҳбарияти, "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳар томонлама, жумладан моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаб келаётганини таъкидлаш лозим. Марказ аъзолари ИИБ Бирлашган тахририяти раҳбариятига ҳам уларга ҳар доим эътибор бериб келаёт-

гани учун миннатдорчилик билдирдилар.

Олдинги йиллардан фарқли ўлароқ 1999 йилда барча вилоят ва туманларда ҳам ички ишлар идоралари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари тузилди. Тўғри, жойлардаги барча марказларнинг ҳам фаолиятини кўнгилдагидек деб бўлмайди, улардан айримлари иш режаларига ҳам эга эмас, баъзилари фахрийларнинг эҳтиёжларини тўла англаб етмаяпти. Шунинг учун уларнинг фаолиятини жонлантиришга амалий ёрдам бериш жорий йилдаги асосий вазифалардан бири қилиб белгиланди. Вилоятларга бориб ҳар томонлама кўмак бериш учун марказ фаоллари бирктилди.

Марказда ташкил этилган навбатчилик ҳам ўз ижобий самарасини берапти. Қўллаб-қувватлаш телефон орқали, ёзма равишда шикоят ва илтимослар билан мурожаат қилган фахрийларга оғирини енгил қилишда тезликда ёрдам берилди. Нафақадаги ходимлар

учун муаммо бўлиб келаётган бир масала ҳозирги пайтда дори-дармонларнинг ниҳоятда қимматлигидир. Жамоатчилик маркази фахрийларга уларни имтиёзли нархларда харид қилиши учун республика "Нуруний" жамияти билан ҳамкорликда ҳаракат қилапти. Балки 2000 йилда бу масала ижобий ҳал бўлиб қолад.

Тиббий-ижтимоий комиссия аъзоси Р. Холматов вазирлик шифохонасида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етгач, фахрийларга тиббий хизмат кўрсатиш янада яхшиланишини таъкидлади.

Мажлисида жамоатчилик маркази учун кенгроқ хона, транспорт воситаси ажратиш масаласи кўтарилди. Тадбирда иштирок этган вазирлик раҳбарияти вакиллари бу ҳақда Ички ишлар вазирига ахборот беришларини айтдилар.

Юқоридагилардан жамоатчилик марказининг фаолияти фақат фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолибди, деган хулоса чиқариш керак

эмас. Айти пайтда бу уюшма катта ҳаётий тажрибага эга, юрагида ғайрати сўнмаган фахрийларнинг бошини қовуштириб, уларнинг жамият ҳаётида фаол қатнашишини ҳам таъминлаётди. Куч-қувват, имкони бор нафақадорлар ички ишлар идоралари шахсий таркибини тарбиялаш, маҳалла уюшмалари ишларида, аҳоли ўртасида тинчлик-осойишталикни тарғиб қилишда қатнашдилар. Ҳозир 100дан ортиқ ички ишлар идоралари фахрийлари жойларда маҳалла оқсоқоллари бўлиб ишлашяпти. Улар фаолият кўрсатаётган маҳаллаларда жиноятлар кескин камайиб, уларнинг очилиш кўрсаткичлари яхшиланяпти.

Мажлисида ижтимоий марказнинг 2000 йилги фаолият режасини белгилашда юртбошимизнинг Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқларидан, Республика Ички ишлар вазирининг пойтахт фаоллари йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқилди. Марказ

аъзолари жорий йилда ёшлар тарбияси билан шуғулланишга, уларни турли адабиётлардан сақлашга бор куч-тажрибаларини ишга солишларини бир овоздан айтишди. Тадбир бир пиёла чой устида ниҳоятда самимий руҳда ўтди. Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Қодиров сўзга чиқиб, вазирлик раҳбарияти фахрийларнинг йўл-йўриklarини, ҳаётий тажрибасини ҳамisha қадрлашни уқтирди. ИИБ ШТБХ бошлигининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Ҳ. Жўраев ички ишлар идоралари ходимлари эл-юрт осойишталигини, ҳуқуқ муҳофазасини таъминлашда эришяётган ютуқларида фахрийларнинг бевосита ва билвосита ҳиссалари катта бўлаётганини таъкидлади. Мажлис сўнггида ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази фаолларига республика "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

## ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Республика ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" Бирлашмасида мамлакат ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларининг 1999 йил хизмат ва молия-хўжалик фаолияти якунига бағишланган тезкор йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Республика "Қўриқлаш" Бирлашмаси бошлиғи, милиция полковниги Х. Убайдуллаев очди. У ўз нутқида республика қўриқлаш хизмати томонидан эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларга тўхтади.

Шундан сўнг Бирлашма соҳавий бўлим раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ва уларнинг ишлари чуқур таҳлил қилинди.

Тезкор йиғилишда Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев иштирок этиб, қўриқлаш хизмати фаолиятларида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида тўхтади.

**М. МИРЖАЛИЛОВ,**  
милиция майори.

Кундалик турмушни транспорт воситаларисиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Кўп транспорт қатнови эса бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу эса ҳайдовчидан ўта ҳушёрликни талаб қилади. Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлими давлат автомобиль нозорати бўлими ходимлари ўтган 1999 йил давомида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилиш, транспортлар қатнови ҳаракатини тартибга солиш борасида бир қанча ишларни амалга оширдилар.

— Йил давомида олиб борилган нозорат ишлари натижасида, — дейди биз билан сўхбатда ДАН бўлими бошлиғи, милиция капитани Рустам Назоров. — Ҳайдовчилар томонидан 24480 та йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳоллари аниқланди. 540 нафар ҳайдовчи спиртли ичимлик истеъмол қилиб, транспорт бошқарган.

Худудимиз йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини

## ҲАРАКАТ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

олиш мақсадида автохўжаликлар, ташкилотлар, корхоналар, жамоат ва ширкат хўжаликларидан ишга чиқарилган транспорт воситалари текширишдан ўтказилди, аниқланган камчиликлар юзасидан юқори ташкилотларга тақдимномалар кiritилди.

Йил давомида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл қоидаларига риоя қилиш юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишлари кенг кўламда олиб борилди. Мақтабларда 282 марта йўл ҳаракати қоидалари юзасидан сўхбатлар ўтказилди. Буларнинг ҳаммаси ўзининг ижобий самарасини берди, албатта.

Туман ҳудудиде ғалла мавсуми даврида ҳосилни нес-нобуд қилинмаслиги мақсадида ДАН ходимлари ғалла ташиётган транспорт воситаларининг жиҳозлаш ва техник ҳолатлари мунтазам на-

зорат қилиб боришди.

Енгил ва юк машиналарга тракторларнинг двигателини ўрнатиб олганликларини, махсус жиҳозланмаган машиналарда одам ташиётганликлари ҳам аниқланди. Электр тармоқлари корхонасига қаршли автомашина ҳайдовчиси Илҳом Султонов ўз бошқарувидаги машинага, автобус ҳайдовчиси А. Қурбонов автомашинага трактор двигатели ўрнатиб олганлиги аниқланди.

Пахта мавсуми даврида "Ўзбекистон" жамоат хўжалигидан Ж. Гуломов, А. Хушвақтов номли хўжалиқдан В. Усмонов, Х. Валиев, Г. Ғойибовлар махсус жиҳозланмаган машиналарда одам ташиганликлари аниқланиб, қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Бундай ҳолатлар ёмон ва нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши тўғрисида кенг омма ўртаси-

да тушунтириш ишлари олиб борилди.

— Қоидабузар кишиларга нисбатан корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарларига юборилётган тақдимномаларга ўз вақтида жавоб қайтарилмаяпти. Бу эса йўл-транспорт ҳодисасининг ҳамон содир бўлаётганлиги ачинарли ҳолдир. Биз туман ҳудудидеги йўлларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати тартибини мустаҳкамлаш, ҳамда транспортлардан фойдаланиш юзасидан 2000 йилда аниқ тадбирлар асосида иш олиб борамиз ва бу соҳада ўз фаолиятимизни кучайтирамиз. Асосий вазифамиз йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда таъминлашдан иборат, — деди пировордида Р. Назоров.

Санд ҲОҚОВ.

## МЕҲР ҲАММА УЧУН ТУШУНАРЛИ ТИЛ



Ойбекка кинологикни таклиф қилди. Ойбек ҳеч иккиланмай рози бўлди. Афсус қилмайди. Ўзига ишониб топширилган "Марс" лақабли исковуч ит билан қанчадан қанча жиний ишларни очишда муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Одамлар бу жониворларнинг сезгирлиги, вафодорлигини қадимдан қадрлаб келишган. Айримлар ақлли итлар ҳақида "Фақат тили йўқ-да, бўлмасам ҳамма нарсани тушунади" дейишади. Итларнинг тили ҳам бор, фақат уни ҳамма ҳам тушунавермайди. Ойбек "Марс"нинг тилини топган.

Жониворлар ҳам меҳрга меҳр билан жавоб беради. "Марс" жуда қобилиятли. У Ойбекнинг тўсиқлардан ўтиш, ўқ-дори, наркотикларни топиш каби буйруқларини аниқ, тез бажаради. У, айниқса, қуролланган жиноятчиларни тутишга уста.

Ўтган йили Ёзёвон туманида яшовчи Б. Р. уйда ноқонуний қурол-аслаҳа сақлаши ҳақида маълумот олинди. Милиция ходимлари хонадонни тинтув қилиш чоғида далилий ашёни топиша олмади. "Марс" бу гал ҳам усталлигини намойиш этди. У тезда ҳид олиб унинг остонасида тўхтаб, Ойбекка қараб тураверди. Ҳақиқатан ҳам шу жойда 3 та автомат, 1 та тўппонча, 3 дона детонатор кўмиб қўйилган экан.

— "Марс" ҳали жиноятларни фош этишда бизга кўп хизмат қилади, — дейди Ойбек. Бу камтарин йигит бунда ўзининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги ҳақида индамайди. "Камтарга камол" дейди доно халқимиз.

**М. КИМСАНБОВ,**  
милиция подполковниги.

Суратда: милиция сержанти О. Незматов хизмат ити "Марс" билан.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998

йил 7 сентябрдаги Қарорига кўра хусусий хонадонларда ёшилги мойлаш воситаларини сотиш қатъий тақиқланади. Шунга қарамасдан, Хоразм вилоятида баъзибир фуқароларнинг қонунга зид равишда ўз уйда ёшилги сотиш билан шуғулланишлари аниқланди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари

Урганч туманидаги Қаровул қишлоғининг Обидов кўчасини ҳайдовчилар: "Қувайт" деб аташи бежиз эмас. Бу ерда айрим хонадонларда ноқонуний равишда ёшилги сотилади. Фуқаро Рашид Ражаповга тегишли 200 литр бензин ҳам давлат фойдасига мусодара қилинди.

## БЕНЗИНФУРУШЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

томонидан ўтказилган тадбир чоғида Урганч шаҳар Мунис Хоразмий кўчаси, 10-уйда яшовчи Йўлдош Собиров бир неча марта оғоҳлантирилишига қарамасдан мунтазам ёшилги сотиш билан шуғулланган. У ўз ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини тан олиш ўрнига милиция ходимларига ноўрин эътирозлар билдирди.

Урганч шаҳар Бозор кўчаси, 25-уйда яшовчи Рустам Рўзметовнинг уйи ҳам ўзига хос автомобиль ёшилги қуйиш шаҳобчасига айлантирилган. Гаражда турли сифатдаги идишларда ёшилги ташиб, ёнгин чиқиши учун қўлай имконият туғдиради. Бу хонадондаги ёшилги хўжжаташтирилиб, тегишли идораларга топширилди.

Шовот тумани ИИБ ходимлари "Ўзбекистон" жамоат хўжалиги ҳудудиде давлат белгиси 22 В 6561, "Москвич" русумли автомашинани текшириб кўришганда Тошхўвуз шаҳар Победа кўчаси, 64-уйда яшовчи, Ҳожибой Қўчқоров 800 литр ёшилгини ноқонуний йўллар билан вилоятимизга олиб келаётгани маълум бўлди. Шунингдек, Шўхрат Норбоев бошқарувидаги давлат белгиси 22 С 4323 "Тико" автомашинасида ҳам ёшилги олиб утиляётганлиги аниқланди. Бензинфурушларнинг аксариятини туркменистонлик фуқаролар эканлиги бизни ажаблантирди. Шовот тумани "Ўзбекистон" жамоат хўжалиги 1-бригадасида яшовчи Бахтиёр Човдиров ҳам ўзининг давлат белгиси 22 С 6620, УАЗ 469 русумли машинасида 500 литр ёшилгини олиб келиб пулламоқчи бўлган. Унинг уйда тузиб чиққан режалари кўчага тўғри келмай қолди. Ушбу ҳолатлар юзасидан хўжжаташлар тузилиб, чора кўриш учун тегишли идораларга топширилди.

Ўз мухбиримиз.

## Олмалик шаҳар ИИБ хизмат фаолиятдан

Ўтган йили Олмалик шаҳрида ҳуқуқбузарликларнинг умумий сони бир оз ошган бўлса-да, асосий жиноят турларига қарши курашда сезиларли ютуқларга эришилди.

Сўхбат чоғида шаҳар ИИБ бошлиғи милиция полковниги А. АКРАМОВ ҳам ана шунга эътиборни қаратди.

– Шахсий таркиб, – деди у, – бутун йил давомида самарали, виждонан ишлади. Барча хизмат турларининг ўзаро ҳамкорлиги ютуқларнинг гарови бўлди.

Масалан, ўтган йилда ўзгалар мулкани ўғирлаш жиноятини кескин камайтиришга эришилди. Бу осон кечгани йўқ. Профилактика ва қўриқлаш хизматлари ходимлари кўлни кўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб иш-лашди.

Профилактика хизмати аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борди. Жойларда, маҳаллаларда “Шахсий мулкнинг бутлигини, хавфсизлигини таъминлаш учун нима қилиш керак?” мавзусида аҳоли билан ошқора сўхбатлар ўтказилди. Бунинг учун киши ўз мол-мулкига жиндак масъул, эҳтиёткор бўлса бас. Энди “Менинг бирор нарсамни ўғирлашса, милиция ернинг

тагидан бўлса ҳам ўғрини топиб жазо бериши керак” деган қарашдан воз кечиш пайти келди.

Йўқ, милиция ўз вазифа-

уларни озод ҳаётга кўниктириш тизими яхши ишлаётганлигидан дарак беради.

Милиция шаҳар ҳокимияти, корхона раҳбарлари билан ҳамкорликда муқаддам судланганлар бошқа фуқаролар билан бир қаторда яратувчилик меҳнатида иштирок этишлари учун кўп ишларни қиляпти.

Болалар – эртанги кунимиз эгаларидир. Улар ҳаёт

Уларда одатда ҳамма хизматлар, ҳар бир милиция ходими иштирок этади, жамоатчилик вакиллари – маҳалла фаоллари, посбонлари ҳам бизга яқиндан ёрдам беришади. Натижалар ҳам ёмон бўлмади.

Масалан, йил давомида “Арсенал” тадбирини ўтказиш чоғида амалдаги қонунқондалар бузилгани учун аҳолидан 100 дан ошиқ ов милтиғи олиб кўйилди, қатор ҳолатлар бўйича эса жиноий иш кўзга тўғри келди. Тадбир давоми-

да патронлар, портловчи моддалар ҳам топилди. Ҳатто жанговар наган ясовчи “уста” ҳам аниқланди.

Кундан кунга милициянинг солиқ идоралари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда. Натижада солиқ ва божларни ўз вақтида тўламайдиганлар тобора камайяпти.

Шаҳримиз юбилейи тантаналарига ҳам бир йилдан сал ортиқроқ вақт қолди. ИИБ шахсий таркиби олмаликликларнинг осуда ҳаётига ва яратувчилик меҳнатига ҳалақит берувчи жиноятчиликка қарши бор куч-имкониётлари билан курашади.

сак, бу масаланинг нақадар долзарблиги аён бўлади-қолади. Олмаликда 8 та касалхона, 15 та поликлиника фаолият кўрсатиб, уларда кўплаб тажрибали шифокорлар беморлар дардига малҳам бўлишади.

Болалар – шаҳар келажиги. 40 дан ортиқ болалар боғчалари, 20 га яқин мактаблар болажонларга таълим-тарбия беради.

Таълим тизими маҳаллий инфратузилмалар эҳтиёжини ҳисобга олган. Техник коллеж, лицей, тоғ-кон металлургия техникуми ва тиббиёт билим юрти шаҳар учун зарур мутахассислар тайёрлайди.

Шаҳар ички ишлар бўлими шахсий таркиби аҳоли осойишталигини, тинч меҳнатини муҳофаза қилиш учун бор куч ва маҳоратларини ишга солишяпти.

## Ибратли ходимлар

## ЮКСАК МУКОФОТ

Бир томондан тоғларга туташган, бир томони пойтахтга элтувчи равон йўлга боғланган ўзига хос кўркем шаҳарча – Олмалик асосан кончилар юрти. Мамлакатимизга турли хил ер ости бойликларини етказиб бериб, юртимиз шухратига шухрат қўшаётган бу шаҳарча аҳолисига бутунги кунда катта-кичик бешта бозор хизмат қилмоқда. Бу бозорларнинг ҳар бири ўзига хос вазифани бажариб, унда мева-чевадан тортиб авто-мото олди-сотувиғача мавжуд.

Бозорлар назорати катта участка вакили Жўрабой Қувондиқовнинг зиммасида. Милиция майори, хизмат кўрсатган участка нозирини Жўрабой ўзига хос феъл-атворга эга. Шу боис бозордаги сотарман-оларман фуқароларнинг ҳар бири Жўрабой билан илиқ саломлашади, ҳар қандай иш юзасидан унга тортинмай мурожаат қилади. Жўрабой ҳам бири ака, бири ука деб келаятган фуқаролардан ширин сўзини, маслаҳатини аямайди.

– Кўриб турганингиздек, шаҳримиз бозорлари ўзига хос, – дейди Жўрабой Қувондиқов. – Бу ерга ўнлаб миллат вакиллари билан бирга Пскент, Ангрён, Тошкент, Фарғона водийси деҳқонларигача савдо-сотик қилиш учун келадилар. Албатта, иш бор жойда камчилик, ўзига хос муаммолар ҳам учрайди. Биз бу камчиликларни жойида, вақтида



ҳисобга олиб, ҳал қиламиз. Шунинг учун бозорларимиз доимо тинч, савдо-сотик ишлари маромидан олиб борилади.

Бизнинг ишимиз муваффақиятида шаҳар ИИБ жиноят-қидирув, пост-патрул хизмати, Жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими, Давлат стандартлаш ва санитария-эпидемиология станциялари вакиллари, маҳалла посбонларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар ҳар кун бир неча марта бозорни айланиб, тартиб – интизомни назорат қиладилар.

...Катта участка нозирини милиция майори Жўрабой Қувондиқовнинг шаҳардаги “Ойдин-1” бозори рўпарасидаги ишхонаси доимо гавжум. Бу ерга фуқаролар бирон-бир ташвиш билангина эмас, шунчаки, лабидан кулгу аримайдиган самимий инсон – Жўрабой билан салом-алик қилиш учун ҳам кираверадилар. Зеро одамлар меҳрини қозонишдек юксак мукофот ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

Суратда: участка нозирини Ж. Қувондиқов.

## МЕТАЛЛУРГЛАР ВА КИМЁГАРЛАР ШАҲРИ

Шаҳарда қурилган саноат корхоналарига ишчи кучи зарур эди. Натижада Олмаликда нафақат Ўзбекистоннинг, балки собиқ иттифоқнинг турли бурчақларидан мутахассислар оқиб кела бошлади.

Ҳозир шаҳарда 120.000га яқин турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Бу ерда ўзбеклар, руслар, қозоқлар, татарлар, корейлар, тожиклар оға-инилардек аҳил ҳаёт кечириб келишяпти.

Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, кимё заводи, “Аммофос” саноат бирлашмаси каби йирик саноат корхоналари мамлакатимиздан ташқарида ҳам маълум ва

**1951 йилда Курама тоғ тизмалари ён бағридаги текисликда Олмалик шаҳри қад кўтарди. Табиий бойликларга қонлиги туфайли бу ерда металлургия ва кимё саноати тез суръатлар билан ривожлана бошлади.**

машхур. Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда ҳам бу корхоналар ишлаб турибди, маҳсулотлар чиқарилаёпти.

Олмаликликлар тиниб-тинчимас халқ. Улар меҳнат қилишни ҳам, ҳордиқ чиқаришни, спорт билан шугулланишни ҳам қотиришади.

Шаҳарда мириқиб дам олиш учун барча шарт-шароит муҳайё. Аҳолига 10 та клуб, 2 та маданият уйи хизмат кўрсатади.

Ишқибозлар юзлаб спорт майдончаларида, кўлаб бассейн ва стадионларда ўз таъб ва қизиқишларига мос спорт тури билан шугулланишлари мумкин. “Металлург” ўйингоҳи қизгин мусобақалар ўтказиладиган жойга айланган.

Олмаликда аҳоли соғлиғи муҳофазасига алоҳида эътибор берилди. Шаҳарда йирик саноат корхоналари ишлаб турганини назарда тут-

гиланяпти. Менимча, уларнинг ижобий бўлишида бироз сусткашлик бор.

Жиноятчилик билан курашиш фақат милиция ходимларининг иши деб қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Айрим кишиларга ҳуқуқ-тартибот ҳақида гапирсангиз, ойликни милиционер олади-ю, биз боз қотирамызми, дейди. Албатта, бизга кўмаклашадиган кишилар кўп. Маҳалла фаоллари айниқса, биз тузган режа ва тадбирларнинг ижобат бўлишида бош-қош бўлишяпти.

Участка вакиллариға бевосита кўмаклашадиган маҳалла посбонларининг ишини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Улар доим ёнимизда юриб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда иштирок этишяпти. Бирор жиноят содир бўлиб, уни очишда ҳамроҳ бўлаётганларнинг ўзи биз учун анча мадад.

Милиция лейтенанти Умид Қулибоев, милиция старшинаси Абдурашван Аминовлар ёш участка вакиллари. Ҳаммамиз бир-галликда маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни сақлаш учун имкони борича ҳаракат қиляпмиз.

**Бахтибек АЖИДАЕВ,**  
милиция капитани.

Халқимизда маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади, дейишади. Дарҳақиқат, ҳар қандай жанжал, кўнгилсизлик, жиноятлар маҳаллада, аҳоли яшайдиган ҳудудларда бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳам участка вакилига катта масъулият юкланган.

Милицияда хизмат қилаётганимга йигирма йилдан ошди. Ўн йилдан бери участка вакилиман. Ўзим хизмат қилаётган “Кимёгар” маҳалласида мен танимаган ёшу қари бўлмас керак. Чунки, ҳар

ҳам бор. Милиция ходими, айниқса, участка вакили ҳаммага бирдай муносибатда бўлиши керак.

Бизнинг ҳудуд асосан саноат зонаси ҳисобланади. Ўн саккиз мингдан ортиқ аҳолига тўрт киши

## ЖАМОАТЧИЛИККА

## ИШОНИБ

бир хонадонда ким, қачондан бери яшашини биламан. Участка вакили учун бу хислат жуда зарур. Яна энг муҳим ва зарур хислат бор. Бу ҳар бир милиция ходимида бўлиши керак, деб ўйлайман. Ҳар бир инсоннинг кечинмаларини, орзу-умидлари, фикр-ўйларини билишга ҳаракат қилиш керак. Маҳаллада ўзига тўқ, яхши яшайдиган кишилар билан бир қаторда, кам таъминланган, кўп болали, турмуш шароити нисбатан оғирроқ оилалар

хизмат қиламиз. Кўпмиллатли маҳаллаларда кишиларнинг иноқ, тотув яшашларини назорат қилиш ҳам осон, ҳам қийин. Кўп йиллардан бери аҳил бир оилалардек яшаётган кўни-кўшилар ўртасида баъзан жанжал ҳам чиқиб туради. Бизни кўпроқ ташвишга соладигани ёшларнинг турли хил жиноятларга аралашиб қолаётганлигидир. Кейинги пайтда ёшларнинг бекор қолмаслиги, фойдали ишлар билан шугулланишларини ташкил этиш, уларни маҳалла, жамоатчилик назоратидан қўймаслик ҳақида кўплаб фикрлар билдириляпти, режалар тузилиб, тадбирлар бел-

## ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧ БЎЛИШЯПТИ

Шаҳримизда қирқдан ортиқ маҳалла бор. Жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун жиддий ҳаракат кетаётган бир пайтда “маҳалла посбонлари” тузилмасининг ташкил этилиши ички ишлар идораларининг хизматида яна бир таянч пайдо бўлишига замин яратди. Маҳалла посбонларини биз танлов йўли билан, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг тавсияси билан саралаб олдик. Шаҳримиз аҳолисининг кўп миллатли эканлигини инобатга олиб, маҳалла посбонлари сафига ўндан ортиқ миллат вакиллари қабул қилганмиз. Посбонлар хизмат давомида ички ишлар ходимларининг фаолияти билан яқиндан танишяптилар. Унинг оғир-енгил томонларини ҳис этишяпти. Шу боис бўлса керак биз танлаб олган йигитлардан йигирмага яқини бу хизматга лаёқатли эмаслигини кўрсатиб, сафдан чиқиб кетди.

Маҳалла посбонлари милиция ходимларининг ҳақиқий таянчи бўлиши лозим, деймиз. Шу ишончга сазовор бўлиб, бизга яқиндан кўмак бераётган посбонларимиз кўпчиликини ташкил этади. Тошканбой Норматов участка вакили билан шаҳар чеккасидаги дала ховлиларининг бирида со-

дир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этади. Турдибой Бердимуродов эса кўп-қундузи Улугбек кўчаси 17-уй олдидан талончилик қилган кимсани аниқлаб, тутишда асосий рол ўйнади.

Албатта, маҳалла посбонларининг фаолиятини нафақат яхшилаш, балки, муқаммаллаштириш лозим, деб ҳисоблайман. Шаҳар ҳокимлиги ҳам бу муҳим масалага жиддий эътибор бериляпти. Шаҳримиздаги доврўи кетган Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, “Аммофос” ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа бир қатор корхоналар моддий жиҳатдан кўмаклашишяпти. Ҳар бир маҳалла посбонлари гуруҳларининг бошлиқлари га мош тўланмоқда. “Кўрпасой”, “Камалак”, “Ойдин” маҳаллаларида посбонларнинг фаолияти яхши самаралар бериляпти. Чунки, бу жойларда фуқаролар йигини раисларининг ўзлари посбонлар ҳаракатига хайрихоҳлик қилишади, зарур бўлса кўмаклашишади.

Маҳалла посбонлари ҳаракати илгариги халқ дружиначилари каби сусайиб, йўқ бўлиб кетиши керак эмас. Бунинг учун уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб туриш керак. Зеро, улар ички ишлар ходимларининг ҳақиқий таянчига айланяпти.

**Нурали ИСОҚОВ,**  
ЖОБ катта нозирини,  
милиция капитани.

## Паспорт бўлинмасида

### ХУКУҚ- БУЗАРЛИККА ЙЎЛ КЎЙМАЙМИЗ

Ўтган йил давомида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақдаги қарорини тўла-тўқис бажарилиши юзасидан Олмалиқ шаҳар ИИБ паспорт бўлинмаси томонидан кўплаб амалий ишлар қилинди. Бу ишларга ИИБнинг деярли барча шахсий таркиби жалб этилди.

Фармойишни бажариш бўйича барча корхона, ташкилотлар, аҳоли яшаш жойларида — жами бўлиб ўн олти мингдан ортқ хонадон ва фуқаро текширилди.

Шаҳар ҳудудидagi 6 та корхона раҳбарига нисбатан қонунни бузиб, рўйхатдан ўтмаган шахсни ишга олгани учун ҳокимиятга тақдимнома киритилди. Йил давомида 18600 та янги паспорт эгаларига топширилди. Шу билан бирга ишимизда ўзига хос камчиликлар ҳам бўлди. Яъни, баъзан аҳолига паспортлар ўз вақтида берилмади, аҳолини қабул қилишда тартибсизликлар бўлди.

9.30 "РДТ почтаси".
10.00 "Хайрли тонг, юртим!".

19.30 Агата Кристи.
21.45 Сергей Бодров (кичиги) ва Вячеслав Бутусов "Ака" фильмида.
23.35 "Хафта панорамаси".

ТВ-6

8.50, 15.05 — "Кундан-кунга".
10.45, 20.15, 02.15 — "Йул назорати".
11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 02.30 — Янгиликлар.

НТВ

8.00, 8.30, 8.45, 9.00, 9.30, 9.45, 10.00, 10.30 — "Бугун эрталаб".
10.45, 19.40 — "Кизик кино".

20.40 "Криминал".
21.40 "Шу куннинг қахрамони".
22.00 "Уддабурон Уокер: тегасча одил суд".

АСТ

8.00, 14.00 Мультисериялар.
8.30, 11.30, 14.30, 17.30, 20.30, 23.30, 2.30, 5.30 "Факт" ахборот дастури.

REN TV

9.00, 9.30, 18.30, 19.00 Мультисериялар.
10.00 Муслиқий канал.
11.00, 15.30 Теледўкон.

21.00 "Селеста, фақат Селеста" телесериали.
22.00 Тасодифий гувоҳ.
23.30 "Нотаниш аёлга кўнгил изхори" бадий фильм.

ТВ МАРКАЗ

8.00, 10.15 "Кайфият".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 1.00 "Воқеалар".
11.00 "Садам Хусайнинг Бағдод афсоналари".

ТНТ

9.00 "Гувоҳ" сериали.
9.30, 10.30, 15.30, 19.00 Мультисериялар.
9.55, 12.25 Таъбирнома.

SHANBA

12

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Муслиқия бўстони".
9.10 "Зийнат".

ЎзТВ II

11.10 "Танишинг: Мирабзал Хусанов".
11.25 "Федерал полиция".
12.10 "Ешлар" телеканалда спорт дастури.

ЎзТВ III

9.00 "Давр".
9.10 "Ешлар" телеканалда.
9.15 "Янги авлод" студияси намоиш этади.

ЎзТВ IV

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.45 "Мисли гавҳар".

ЎзТВ V

9.05 "Муслиқий тонг".
9.30, 13.40, 18.00, 19.50, 01.30 — "Телехамкор".
10.00 Болалар учун фильм.

30-канал

9.05 "Муслиқий тонг".
9.30, 13.40, 18.00, 19.50, 01.30 — "Телехамкор".
10.00 Болалар учун фильм.

РЖТ

7.55, 10.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
8.10 "Рухоний сўзи".
8.25 "Қусто командасининг барча саҳатлари".

РДТ

8.00 Мультифильм.
8.15 "Олтин соат".
9.30 "РДТ почтаси".
10.00 "Хайрли тонг, юртим!".

ков ва Лариса Удовиченко "Барханов ва унинг кўриқчиси" аванпюристик трагикомедиясида.
24.00 Сўнги сеанс. "Карнозавр" триллери (АҚШ).

ТВ-6

9.00 ТВ-6 кинотеатри. "Ханжар".
Жангари фильм.
10.45, 20.45, 02.20 — "Йул назорати".

НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00, 21.00, 24.00 — "Бугун".
10.15 "Миллий хавфсизлик агентси".

риал.
18.55 "У қотилликни баён этди".
Сериал.
19.50 "Мен ва итим" доғ-шоуси.

АСТ

8.00, 20.45 Спорт чегара билмайди.
8.30, 20.30, 2.30 "Факт" ахборот дастури.
8.45 Мультифильм.

REN TV

10.30 Мультифильмлар.
11.00 "Нотаниш аёлга кўнгил изхори" бадий фильм.

ТВ МАРКАЗ

10.00 Болалар телеканал.
11.00, 15.10 Мультифильмлар.
11.15 "Хазрат".
11.30 "Тун одами" фантастик сериали.

ТНТ

10.00 "Гувоҳ" сериали.
10.30, 12.30 Мультисериялар.
11.00, 18.30 "Доктор Элинобр Брэмвелл" сериали.

# ҲАҚШНАВВА 13

## ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.30 "Ахборот"  
8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.  
9.00 Тошкент вилояти хонандаларининг концерти.  
9.30 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Қушлар".  
9.45 "Ғаройибот".  
10.00 "Ватанимга хизмат қилман".  
11.00 "Умид" сафарда.  
11.05 "Шоҳрух" клуби.  
12.05 "Ижод қувончлари". М.Маҳкамов.  
12.45 "Меҳриғиё".  
13.00 "Тухфа". Муслиқий дастур.  
13.35 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Увайсий". Видеофильм. 6-серия.  
14.15 "Сирдошим".  
14.35 "Бўстон". Тележурнал.  
15.05 "Бошсиз чавандоз". Бадий фильм.  
16.35 "Мозийдан бир мўъжиза". Мотуридий.  
16.50 "Кўзгу". Тележурнал.  
17.25 "Лаура учун қадаҳ". Теленовелла.  
18.00 "Олтин тоғ". Телевизион ўйин.  
18.20 "Юки ерда қолмас элимнинг".  
18.35 Эстрада тароналари.  
18.55 "Ўзлик". Бадий-публицистик курсатув.

## ЎзТВ II

7.55 Курсатувлар дастури.  
8.00 "Давр тонги".  
9.00 "Ешлар" телеканалида.  
9.05 "Янги авлод" студияси намоиш этиди: ("Бўш ўтирма", Мультмоша)  
9.40 "Каркидонлар". Маърифий дастур.  
10.30 "Муслиқий лаҳзалар".  
10.40 "Ешлар овози".  
11.05 "Федерал полиция". Теле-сериял.  
11.50 "Қишлоқдаги тенгдошим".  
12.15 "Лаззат".  
12.35 "Баҳодир Раҳимов куйлайди".  
12.55 "Марду-майдон".  
13.15 Болалар учун фильм. "Бинафшаранг шар".  
14.30 "Муслиқий лаҳзалар".

14.40 "Цирк, цирк, цирк".  
15.00 "Бир пиёла чой устида".  
15.20 "Ешлар" телеканали намоиш этиди: Спорт-2000.  
16.15 "Муслиқий лаҳзалар".  
16.20 "Эркин фикр".  
16.40 "Муслиқий лаҳзалар".  
16.45 "Ешлар" телеканали намоиш этиди: Спорт-2000.  
17.35 "Наволарда аён этсам". Муслиқий дастур.  
17.50 "Янги авлод" студияси намоиш этиди.  
19.00 "Ақл ёшдамас".  
19.15 "Бу мунис лаҳзалар".  
19.35 "Синфдош".  
19.55 "Муслиқий лаҳзалар".  
20.00 "Давр" ҳафта ичида.  
20.45 "Федерал полиция". Теле-сериял.  
21.35 "Якшанбада кўришгунча".  
21.55 "Ҳаёл".  
22.15 Сиз севган "Байрам" гурӯҳи.  
22.40 "Олам футбол".  
23.10 Синема. "Кордебалет".  
00.50 "Хайрли тун".

## ЎзТВ III

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".  
9.00 "Тонги пойтахт".  
9.45 "Дурдона".  
10.05 Болажонлар экрани. "Ал-вон елканлар".  
11.30 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".  
11.50 "Эрта бугундан бошланади".  
12.20 Телегазета "Экспресс".  
12.30-14.15 Кинонигоҳ. "Элвис ва мэн". 1-серия.  
17.55 "Ойнаи жаҳонда".  
18.00 "Ерилтош". Мульттўплам.  
18.15 Телегазета "Экспресс".  
"Табриқлаймиз, кутлаймиз".  
20.30 "Тахлилнома".  
21.15 "Филипп Марлоу". Теле-сериял. 2-серия.  
22.10 "Тасанно".  
22.35 "Даллас". Теле-сериял.  
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.  
23.30 Кинонигоҳ. "Элвис ва мэн". 2-серия.  
1.00 "Хайрли тун, шахрим!"

## ЎзТВ IV

9.05 "Аэробика ҳамма учун".  
9.20 "Эртақларнинг сеҳрли олами".  
11.00 "Парле ву франсэ?"  
11.25 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)  
11.35 "Фан-тайм" (Болалар учун инглиз тили)  
11.45 Кинематограф. "Гремлинлар-2". Бадий фильм.  
13.25-14.10 "Дўстлик" видеоканали. "Дидар", "Маврид".  
17.35 "Тенгдошлар".  
17.55 "Дил изҳори".  
18.25 Е.Петросяниннинг "Кулги кечаси".  
19.00 "Интернет худуди".  
19.15 "Дил изҳори".  
20.00 "КВН-2000".  
22.05 "Время".  
23.00 "Бу ажиб дунё".  
23.15 Кинематограф. "Қора қурт". Бадий фильм.  
00.50 "Тахлилнома" (рус тилида)  
1.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## 30-канал

9.05 "Муслиқий тонг", Муслиқий-дам олиш дастури.  
9.30, 13.40, 18.00, 19.50, 00.30 — "Телехамкор", "Метёохабар".  
10.00 Болалар канали.

10.20 Болалар учун фильм.  
11.30 Муслиқий-дам олиш дастури.  
12.00 Тушки кино. "Ниҳоят учадиган бўлдик". Комедия (АҚШ-Италия).  
14.05 "Графиня де Монсоро". Тарихий сериал.  
15.00 "Грейс ва Глория воқеаси". Мелодрама (АҚШ).  
17.00 "М" намоиш этиди... Муслиқий-дам олиш дастури.  
17.30 "Жанговар санъат олами". Спорт дастури.  
18.30 "Висол". Муслиқий дастур.  
19.00 "Косби шоуси". Ҳажвий сериал.  
20.20 "Клип-соваға".  
21.30 "Жеймс Бонд — Агент 007", "Доктор Но". Детектив комедия. (Буюк Британия).  
23.15 "Мак Гайвер". Теле-сериял.  
24.00 Тунги муслиқий-дам олиш канали.

## РЖТ

8.00, 10.00, 15.00 — Янгиликлар.  
8.10 "Россияга хизмат қилман!".  
8.40, 16.25, 16.50 — "Дисней клуб".  
9.10 "Тонг юлдузи".  
10.10 Дм. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".  
10.30 "Хамма уйдалигида".  
11.00 "Альфи". Ойлавий комедия.  
11.30 "Сихат-саломатлик".  
12.00 Кундузги киносеанс. Лидия Смирнова "Дала ҳовли" комедиясида.  
14.00 "Саёхатчилар клуби".  
14.40 "Бир нодир асар тарихи". Рус музейи.  
15.10 "Тоглик". Саргузашт сериал.  
16.00 "Оқилалар ва ақлдилар".  
17.15 Бу қандай бўлган эди? "СССР — Канада хоккей суперсерияси". 1972 йил.  
17.55 Анна Козакова "Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар" дастурида.  
18.25 Евгений Петросяниннинг "Кулги панорамаси".  
19.00 "Невзоров". Телевизион дастур.  
20.00 "КВН-2000".  
22.05 Ахборот дастури П. Шермет билан.  
23.05 Киану Ривз Фрэнсис Копполанинг "Брэм Стокер дракуласи" фильмида.

## НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — "Бугун".  
10.20, 22.50 — "Чироклари синган кўчалар-II". Сериал.  
11.15 "Омадли". Телеўйин.  
12.15 "Кутқарув хизмати".  
12.40 "Мени тушун".  
13.15 "Табиатшунос саёхатлари".  
13.45 "Фитиль".  
14.25 "Эхтиёт бўл". Ойлавий ўйин.  
14.55 Оксана Пушкинанинг "Аёл нигоҳи".  
15.25 "Байяр форти калити". Телеўйин.  
17.00 "Криминал Россия". Ҳужжатли сериал.  
17.30 "Касби — репортёр".  
18.35 "Кекса ота-оналар".  
19.05 "Совуқ уруш". Ҳужжатли сериал.  
19.55 "У қотилликни баён этди". Сериал.  
21.00 "Яқунлар".  
22.35 "Кўзгичоқлар".  
23.50 "Яқунлар" Виктор Шендерович билан.  
00.10 Кино олами. Бубба Смит "Полициячилар академияси" фильмида (АҚШ).  
01.50 "Учинчи тайм". С. Шустер дастури.  
02.40 Кино олами. Жеффри Комас ва Барбара Кремптон "Сиртдан" фильмида (АҚШ).

## РДТ

8.00 "Ватанимга хизмат қилман!".  
8.25 "Отам, онам, мэн — спортчилар оиласи".  
9.20 "Бола тилидан". Телеўйин.  
9.55 "Хайрли тонг, юртим!".  
10.30 "Аншлағ" ва Ко.  
11.30 "Ретро-шаҳарча".  
12.00 "Рус лотоси".  
12.40 Мультфильм.  
13.00 "Вести".  
13.20 "Парламент соати".  
14.05 "Эски квартира. 90-йиллар".  
15.05 "Жониворлар ҳақида мулоқотлар".  
16.05 "Қонун ва тартиб". Теле-сериял.  
17.00 Ҳужжатли фильм.  
18.00 "Кўзгу" олдиди.  
18.20 "Россия" кинотеатри. Борис Шербаков, Татьяна Догилева, Татьяна Васильевна ва Лариса Удовиченко "Маймилик кувё" комедиясида.

20.00 "Кўзгу".  
21.00 Жаҳон кинолояҳаси — 2000. "Инжил", "Соломон". 2-серия.  
22.40 Уюшган жиноятчиликка қарши кураш Бош бошқармасининг 11 йиллигига бағишланган байрам концерти.  
24.00 Михаил Козаков ва Евгений Стеблев "Турт кишилик кечки овқат" фильмида.

## ТВ-6

9.00, ТВ-6 кинотеатри. "Оловли аждарҳо".  
10.15, 20.40 — "Йўл назорати".  
10.30 "Оловдаги Грейс". Сериал.  
11.20 Мультфильм.  
11.45 "Ле-го-го" Илья Легостаев билан.  
12.20 "Star старт".  
12.50 "Амба-ТВ". Қувноқ шоу.  
13.25 "Жаноб Бин". Сериал.  
13.50 "Бенни Хилл шоуси".  
14.40, 17.45 — "Харидингиз учун ташаккур!" теледўкони.  
14.45 "Канон".  
15.20 "Бўри уяси" детективи. 1-2 сериялар.  
17.55 "Сиз-шоҳидсиз".  
18.45 "ОСП-студия".  
19.45 "Ҳафта ҳалокатлари".  
21.00 "Шерлок Холмс саргузаштлари". Сериал.  
22.00 Барча севилганлар кунига. Жозеф Файнс "Марта ҳақида баъзи гаплар" комедиясида.  
23.40 "Фош бўлган ёлғон". Жангария фильми.  
01.20 Сизга манзур муслиқ: "Адам и Ева".  
02.15-03.15 "Кизил туфлича кундаликлари". Сериал.

## НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — "Бугун".  
10.20, 22.50 — "Чироклари синган кўчалар-II". Сериал.  
11.15 "Омадли". Телеўйин.  
12.15 "Кутқарув хизмати".  
12.40 "Мени тушун".  
13.15 "Табиатшунос саёхатлари".  
13.45 "Фитиль".  
14.25 "Эхтиёт бўл". Ойлавий ўйин.  
14.55 Оксана Пушкинанинг "Аёл нигоҳи".  
15.25 "Байяр форти калити". Телеўйин.  
17.00 "Криминал Россия". Ҳужжатли сериал.  
17.30 "Касби — репортёр".  
18.35 "Кекса ота-оналар".  
19.05 "Совуқ уруш". Ҳужжатли сериал.  
19.55 "У қотилликни баён этди". Сериал.  
21.00 "Яқунлар".  
22.35 "Кўзгичоқлар".  
23.50 "Яқунлар" Виктор Шендерович билан.  
00.10 Кино олами. Бубба Смит "Полициячилар академияси" фильмида (АҚШ).  
01.50 "Учинчи тайм". С. Шустер дастури.  
02.40 Кино олами. Жеффри Комас ва Барбара Кремптон "Сиртдан" фильмида (АҚШ).

## АСТ

8.00, 20.45 Сайёраимиз спорти.  
8.30, 20.30, 23.30, 2.30,

5.30 "Факт".  
8.45, 12.45 Мультфильмлар.  
9.00, 0.00 "Пан Володиевский". 2-қисм.  
10.20 "Актёр уйи".  
11.00 "Сеҳрли микрофон".  
11.30 Болалар учун фильми.  
13.00, 2.45 "Етти нота ва бутун олам".  
14.00 "Эртақ кетидан эртақ".  
14.30, 3.35 Экранда театр.  
15.50 "Хайр XX аср".  
16.45 "Жаҳон маданияти дурдоналари".  
17.00, 1.20 Благоевост.  
17.25 "Мэн ўзимга ёдгорликман...".  
18.15 "Стамбул транзити" детектив фильми.  
19.40, 7.20 Галабининг 55 йиллиги.  
20.00 В. Новодворская учун қоронгу.  
21.10 "Ягона эркак". 2-қисм.  
22.30 Рус партияси. Теледебатлар.  
23.00 "XX аср сирлари ва афсоналари". "Одесса сирин".  
23.45, 5.45 Постфактум.  
1.45 Муслиқий мозаика.  
2.00 "Ной-хау шоу".  
4.50 Катталар учун мультфильм.  
5.00 "Сизни Доктор Ватсон" шоу-гурӯҳи таклиф этиди".  
6.00 "Эхтиёт бўлинг! Кизил сир" детектив фильми.  
7.35 Классика. Сайланма.

## REN TV

10.30 Мультфильмлар.  
11.00 "Муҳаббат алангаси" тарихий мелодрама.  
13.00 Опрлар ток-шоуси.  
13.30 "Маппет-шоу" комедия сериали.  
14.00 "Катта сиёсат".  
14.30 "Элли Махбил" теле-сериали.  
15.30 REN TV янгиликлари.  
15.40 "Реноме".  
16.10 "Жиллетт".  
16.35 Футбол. Англия премьер-лигаси.  
18.30 "Вақт полициячиси" теле-сериали.  
20.00 "Малибу тунлари" теле-сериали.  
21.00 "Симпсонлар" мультсериали.  
21.30 "Махфий материаллар" сериали.  
23.00 "Қасос" жангари фильми.  
1.00 Тасодифий гувоҳ.  
1.35 "Мум нуқиб" даҳшат фильми.  
3.35 Тунги муслиқий канал.

## ТВ МАРКАЗ

10.00 Болалар телеканали.

**Қорасув-6 даҳасида**  
4 хонали планли уй сотилади.  
Айвонли, 9 сотих ер участкаси бор.  
Тел.: 65-40-21; 116-25-98.

# Табриқлаймиз!

Сурхондарё вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлини маси катта инспектори, милиция катта лейтенанти **Бозор ХИДИРОВНИ** 28 ёшга тўлиши муносабати билан ҳамда жияни **СУҲРОБЖОННИ** 8 февраль — туғилган кун билан чин дилдан табриқлаймиз. Иккаловларига ҳам узоқ умр тилаб, еганлари ош, олганлари олтин бўлсин, олтин бошлари омон бўлсин дея ният билдириб қоламиз.

Оила аъзолари номидан отаси **Назир ака, онаси Хосият опа.**

Шаҳрисабз тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори **Маҳмуд Саидхўжаевич ЗОКИРОВНИ** таваллуд кунлари билан чин қалбимиздан табриқлаймиз. У кишига узоқ умр, бахтсаодат, ишларида омад, энг "ёмон" кунлари ҳам фақат шодлигу қувончдан иборат бўлишини тилаб қоламиз.

Оила аъзолари номидан **Файзулло, Саъдулло, Лутфулло.**

ИИБ Хўжалик бошқармасининг АТХ ҳайдовчиси милиция катта сержанти **Маҳмадҷон ХОЛБЕРДИЕВНИ** 40 ёшга тўлганлиги билан самимий табриқлайман. Унга узоқ умр, сихат-саломатлик, ишларида катта ютуқлар, оиласига тотувлик тилайман.  
**Ҳамкасби Тура АҲМАДЖОНОВ.**

**"Баёт" ўқув маркази ўқишга таклиф этиди:**

**3 ойлик**  
— Бичиш-тиқиш (3 ой-6 ой)  
— Инглиз тили - бошловчилар ва давом эттирувчилар учун  
— Араб тили  
— Радио-телевизор устаси  
— Компьютер-бухгалтерия

**2 ойлик**  
— Ҳар хил тортлар тайёрлаш  
— Сартарошлик  
— Массаж  
— Уй хамшираси  
— Бухгалтерия  
— Эркаклар костюмини тиқиш  
— Компьютерда ишлаш

Ўқишни битирганларга диплом берилади.  
Манзил: "Баёт" ўқув маркази.  
Метронинг "Тинчлик" бекати ёнида.  
Тел.: 42-23-70.

**ПОЙАБЗАЛ ТОЗАЛОВЧИ**  
**МАШИНКА**

**ПОЙАБЗАЛ**  
**АРТАДИГАН**  
**МОСЛАМАЛАР**

Пул ўтказиш йўли билан.  
Тел.: 55-34-06, 55-82-90

**«КАМОЛОТ-КОМПЮТЕР» БИЗНЕС МАКТАБИ**  
Куйидаги ўқув курсларга таклиф қилади:

**Ўқув курси:**  
— ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга,  
— инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);  
— болалар учун инглиз тили;  
— компьютер билимлари;  
— банк иши ва компьютер.

**Ўқув курси:**  
— замонавий бухгалтерия ҳисоби;  
— банк иши;  
— компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS'95, MS OFFICE'95, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА);  
— дастурлаш тиллари;  
— бичиш-тиқиш зардўзи.

**Ўқув курси:**  
— 1С бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими;  
— INTERNETга ўқитиш.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.  
Манзил: Тошкент ш. Навоий-11, 39-хона  
("Қамолот" республика ёшлар жағвармаси бизнеси).  
Тел.: 41-59-74, 58-48-50.

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этиди:**

**2 ойлик:**  
1. Компьютер билимлари.  
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.  
3. Зардўзлик — бухороча.  
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.  
5. Аёллар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ойлик:**  
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.  
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)  
3. Турк тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

Манзил: Абай кўчаси, 4 «а»-уй, 1-қават, 114-хона, мўлжал: Алишер Навоий метро бекати, «Қишлоқхўжалиқ таъмиртаъминот» биноси.  
Тел.: 144-03-25, 125-19-15.

**"ЗУККО" фирмаси ўқув маркази**  
сизларни турли курсларга ўқишга таклиф этиди

<b>Бичиш-тиқиш</b>	— бир ойга 2000 сўм.	Ўқиш
<b>Инглиз тили</b>	— бир ойга 1500 сўм.	ҳафтада
<b>Телерадиоусталари</b>	— бир ойга 2000 сўм.	икки
<b>Бухгалтерия</b>	— бир ойга 2500 сўм.	марта.

**2 ойлик**  
Торт тайёрлаш — бир ойга 2000 сўм.  
Сартарошлик — бир ойга 2500 сўм.  
Массаж — бир ойга 2500 сўм.  
Уй хамшираси — бир ойга 2500 сўм.  
Лор хамшираси — бир ойга 2500 сўм.

**Ўқишни битирганларга диплом берилади.**

Манзил: метронинг "Тинчлик" бекати. "Азиза Сайфи қизи" ательесининг ичида.  
Тел.: 42-19-57, 186-57-89.  
"Адиас" дўкони ёнида.

**«О.МАК.S» ФИРМАСИ**  
куйдаги ўқув курсларига таклиф этиди:

<b>3 ойлик:</b>	— Инглиз тили (бошловчилар учун)	<b>2 ойлик:</b>	— Замонавий ҳисоб-китоб
— Инглиз тили (давом эттирувчилар учун)	— Ҳисобчилар компьютер таълими билан бирга	— TOEFL тестига тайёрлаш	— COREL DRAW 7
— Инглиз тили ва компьютер билимлари			

**1 ойлик:**  
— 1С бухгалтерия дастурида иш юритиш  
— Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS'95, MS OFFICE'97)

**Дарслар ҳафтада 3 марта 2 соатдан ўтилади.**

**5 кишилик гуруҳларда ўқитиш имконияти бор** **Махсус программа бўйича ўқитиш имконияти бор**

Ўқишни тамомлаганларга 3 тилда диплом (сертификат) берилади.  
**Бизнинг мутахассисларимиз сифатимиз гаровидир.**  
Тел. 68-45-40, 169-54-84, 68-26-59.

**Паркент кўчаси-51**  
Транспортлар: Автобус: 1, 44, 89  
Трамвай: 3, 6, 13, 20, 29

Шифкорлар малака ошириш институти меҳмонхонаси. 1-подъезд, 8-қават.  
Мўлжал: эски Шаҳри.

«Пушкин» Шифкорлар малака ошириш институти  
Горький пр.  
«Буюк Йлқ Йули» (Горький) 11

## ҲАМ СПОРТ, ҲАМ ХИЗМАТ УСТАСИ

Ўрта мактабни кумуш медаль билан тамомлаган Бахтиёр Беньков номли рассомчилик билим юртига ўқишга кирди. Спортдан ҳам хабари бўлган Бахтиёр 1980 йили Ўзбекистон бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган стол теннис мусобақасида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Спортни севгани учун ўқишдан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон каратэ мактабида ўқиди.

Бахтиёр ўқишни тугатиб, Шахрихонга қайтгандан кейин эзгу ишга бел боғлади. Шаҳарда ички ишлар ходимларини қўл жанги спортга ўргата бошлади. Унинг милиция хизматида хоҳиши ва лаёқатини сезган туман ИИБ раҳбарияти оддий милиционерликка ишга қабул қилди. Бахтиёр ички ишлар хизматида ишлар экан, спорт билан янада кўпроқ шуғулланишга ҳаракат қиларди.

Аста-секин унинг қўл жанги спорти бўйича етиштирган шогирдлари кўпая борди.

1990 йилда республика ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида қўл жанги бўйича ўтказилган мусобақада 75 килограммли вазнлилар орасида биринчиликни қўлга киритиб, спорт устаси деган юксак номга эришди. Кейинчалик, чемпион республика ИИБ Академиясига ўқишга кирди.

Ўқишни тамомлагач, Сирғали тумани ички ишлар бўлимида тезкор вакил сифатида иш бошлади. Жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши кураш Бахтиёрнинг олдида қўйган энг олий мақсади эди. Хизматда фаоллик, хушёрлик, сергаклик намуналарини кўрсатган Б. Йўлбарсовни жиноят-қидирув бўлими бошлиғи муовини лавозимига тайинлашди. Шу билан бирга диний экстремизм ва терроризмга қарши бўлимни бошқариб, халқ орасида тўғри тушунтириш ишлари олиб борапти.

Туну кун эл-юрт тинчлигини ўйлаб, ҳатто кечалари



уйқусидан кечиб хизмат қилаётган Бахтиёр ва у каби юртимиз посбонларининг меҳнатини халқимиз ҳаммаша ардоқлайди. Яқинда Бахтиёр Йўлбарсовга навбатдан ташқари "милиция капитани" махсус унвони берилди.

Ўзига ярашган камтарлик билан ийманибгина саволларимга жавоб бераётган Бахтиёр ака устозлари ҳақида сўзлар экан, барча муваффақиятлари сирини, устозларининг менга берган ўғитида деб айтди.

Бахтиёр ака-яхши оиланинг бошлиғи. Уй бекаси Шоира опа билан Ғўзал, Гулбаҳор, Бекзоддек гулдек фарзандларни тарбиялаб вояга етказмоқдалар.

Нилуфар ДАВИДОВА.

## "01" ХАБАР ҚИЛАДИ

● Қумқўрғон тумани Н. Мирзаев жамоа хўжалигида яшовчи Ш. Саматова печка эшигини очган вақтда оловнинг бирдан алангаланишидан бўйни, кўкраги ва юзи куйиб, туман касалхонасига ётқизилган.

● Риштон тумани Қайроғоч қишлоғида К. Акбарова ўтин билан ёқиладиган печкага солярка куйганда олов алангаланиб, синтетика кийимига ўтиши натижасида белидан пастки қисми куйган.

● Термиз шаҳри Репина кўчаси 28-уйда яшовчи Х. Норбоевнинг уйда газ босилининг ортиб кетиши натижасида ёнғин содир бўлган, натижада уйнинг шифти, телевизор ва шкафи ёнган.

● Вобкент тумани Ниёзхўжа қишлоғида яшовчи Х. Раҳматов хонадонидagi ўзбошимчилик билан лойиҳасиз ўрнатилган иситиш печида тўпланиб қолган газнинг чақноши натижасида оила аъзолари турли хил куйиш тан жароҳатлари олганлар.

● Гурлан тумани Гурлан қишлоғи А. Қодирий кўчаси 79-уйда яшовчи Ш. Отажонов тандирга ўт ёқиш вақтида эҳтиётсизлиги натижасида юзи, бўйни куйиб, касалхонага ётқизилган.

● Қизирик тумани Истара жамоа хўжалиги марказида яшовчи О. Абдурахмонова газ плитасидан фойдаланишда эҳтиётсизлиги оқибатида икки қўли ва кўкраги куйган.

● Жомбой шаҳри Беруний кўчасида Б. Раҳматовнинг уйда газ қувурига резина шланг билан уланган ҳолда фойдаланилаётган қўлбола ясалган иситиш печидан сизиб чиққан газнинг чақноб кетиши натижасида уй эгаси Б. Раҳматовнинг юзи, қўли, елкаси ҳамда кўкраги, ўғлининг юзи, кўкраги ҳамда қорни куйган.

Афсуски, ҳозирги кунда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ёнғин хавфсизлиги қондаларини тўлиқ билмаслик, иситиш мосламалари ва газ асбобларидан фойдаланишда меъёр қоида-табларига қатъий риоя қилмаслик натижасида содир бўлаётган ёнғинлар ва уларда инсонларнинг жароҳатланиши, ҳалок бўлиш ҳоллари киш фаслида кўпроқ рўй берапти. Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик, ёш болаларни назоратсиз қолдириш, газ ва электр мосламалари билан ишлаганда талаб қилинадиган озгина эҳтиётсизлик қанча-қанча оилалар тинчлигини бузмоқда, фуқароларимизнинг

йиллаб йиғилган мол-мулкларини, уй-жойларини бир зумда култепага айлантирмоқда, баъзида ҳеч нарсадан хабарсиз ширин уйқуда ётган, ҳали ҳаётнинг ширин оларини татиб кўришга улгурмаган жажжи болаларимизнинг умрларини шавқатсизларча олиб кетмоқда. Шунинг учун ҳозирги кунда ҳаётимизга хавф солиши мумкин бўлган ёнғинларни олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор беришларингизни сўраймиз:

– иситиш мосламалари ва газ асбобларидан ўзоқ муддатда фойдаланиш мумкин эмаслигини унутманг. Бунинг учун эса уларни 3-4 соатдан ортиқ ёқмаслик керак;

– газ билан истиладиган печларни мунтазам равишда назорат қилиб туринг ва уйқуга кетишдан олдин ўчириб қуйишни унутманг;

– мавжуд иситиш печлари ва газ ускуналари мўрилари кишки мавсумида ойига 2 маротаба тозаланиб, соз ҳолда туришини таъминланг;

– табиий газда ишлатиладиган АГВ, ВН-100 ва бошқа иситиш мосламаларини техник кўриқдан ўтказиб туринг, агарда камчиликлари бўлса газ идоралари ходимларининг ёрдамида тузатиб олинг;

– иситиш мосламалари, газ асбоблари ва мўрилар атрофини енгил ёнувчан материаллардан тоза туришини таъминланг;

– иситиш мосламалари ва газ асбобларидан фойдаланишни асло болаларга топширманг ва уларни уйда ёлғиз қаровсиз қолишига йўл қўйманг.

– мобоу уйингизда газ ҳидини сезсангиз ўчкун чиқарувчи мосламалардан (чирокларни ёқувчи мослама, телевизор, телефон, радио ва бошқалар) асло фойдаланманг, яъни ёқманг ва ўчирманг, оила аъзоларини ташқарига чиқариб, хонани шамоллатинг, газ идораларига хабар бериб, газ чиқаётган жойни очик оловдан фойдаланмаган ҳолда аниқлаб, ўша жойни хўл латта билан ўраб ташқарига чиқинг.

Мана шундай оддий ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинса, ўйлаймизки қишнинг совуқ кунлари ҳар доим хурсандчиликка тўлиб, уйларимиз доимо исик, фарзандларимиз соғ-саломат ва кўнглимиз хотиржам бўлади.

Д. ВАЛИЕВ,  
ички хизмат катта лейтенанти.

Гиёҳвандларнинг аҳволини кўриб изтиробга тушасан киши. Шақл-шамойили одамга ўхшаса ҳам, уларда одамлиқдан асар қолмаган. Уйим, элим деган тушунча йўқ. Кайф учун ҳар нарсага тайёр. Шу касофат сабабли гулдай оилалар бузилиб кетмоқда. Ота-онасига қўл кўтараётган, хонадонни шип-шийдон қилиб, рўзгорни азоб-уқубатларга айлантираётган, ўзгалар мулкига,

бири героин истеъмол қилгани учун қамалган эди. Кимнинг нафси голиб келса, қаттиқ куйган бўлса ҳам яна ўтга қўл чўзаверар экан.

Милиция ва божхона ходимларининг ҳам-жиҳатлик билан олиб бораётган ишлари туфайли гиёҳвандлик моддаларини олиб сотишга ҳаракат қилаётган жиноятлар фош этилмоқда. "Мерседес" русумли автобус кўздан кечирилганда ургутлик Турсуной Тошбоева ёнидан салкам 100 грамм героин, яна шу туманда яшовчи Зарип Мавлоновнинг халтасидан 225 грамм героин топилди.

Худди шунингдек, Тошхувоз вилояти Октепа туманида яшовчи Рўзигул Тожимуротова, Ургут тумани "Оққўрғон" жамоа хўжалигида яшовчи Шоҳида Мўминовалар ҳам 10-сон божхона постида қўлга тушдилар. Ҳар икковида 2 кг 584 грамм олий моддаси борлиги аниқланди.

Гиёҳвандлик моддалари вилоятимизга асосан четдан келтириляётгани аниқланмоқда. Наманганлик Рустам Набиев ва Раҳим Мирзамухамедовлар 1 кг 858 грамм олий гиёҳвандлик моддасини Урганч шаҳри ал-Беруний кўчаси 15-уй 17-хонада яшовчи Олимбой Ҳасановга 918 минг сўмга сотмоқчи бўлганларида вилоят ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари томонидан ушланди.

Шовот туманида жойлашган божхона постида милиция ва божхона ходимлари Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Қорасув шаҳри, Болтаев кўчаси 23-уйда яшовчи муқаддам судланган К. Султонов ёнидан 102,7 грамм героин топилди.

Гиёҳвандларнинг мудҳиш аҳволи ҳар бир ақли расо одамни изтиробга солади деб айтган эдик. Дарҳақиқат, мана бу манзарани бир фикр қилинг.

Урганч шаҳридаги Наманган кўчаси 5-уй олдида аячли ҳолда бир мурда ётарди. Сўраб-суриштиришлардан кейин унинг шахси аниқланди. У Алексей Холматов экан. Суд-медицина экспертизаси гиёҳванд моддани қон томирга юборган, натижада қон босими ортиқ даражага ошиб, нафас йўли бекилиб қолиши ўлимга олиб келган, деган хулоса чиқарди.

Ботир МАВЛОНОВ,  
милиция подполковниги.

## Қилмиш-қидирмиш

## ХИЗМАТДОШНИНГ "ХИЗМАТИ"

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Баъзан кутмаган кишимиздан ёмонлик қайтса, "товба" дея ёқа ушлаймиз. Бироқ жиноят оламининг "шунқор"лари "у акам, бу укам ёки дўстим" деб ўйлаб ўтирмай чув туширишлари кўп кузатилган. Уларнинг мақсад сари уришилари фақат ўз нуқтаи назарларидан тўғридек. Лекин соф виждонли, диёнатли кишилар ундайларнинг қилмишидан нафратланади, қайта-қайта лаънатлар ўқийди.

Чортоқ туман Короскон қишлоғида яшовчи Довутхон Раҳмоновнинг хурмача қилигини эшитган ҳар қандай киши ҳайратдан ёқа ушлаши тайин. Чунки бу йигит нотанишни эмас, армия хизматида бирга бўлган дўстини чув туширди.

Бир кун Довутхон "қиттак" отиб олиб хизматдоши Учқўрғон туман Қўғай қишлоғида яшовчи Олимжон Раҳмоновнига меҳмондорчиликка борди. Довутхонни Олимжоннинг акаси Обиджон кутиб олди ва меҳмонни ичкарига бошлади. Йўл-йўлакай Олимжонни тижорат ишлари билан Россияга кетганини билдирди.

Ёқубжон ака ўғли Олимжонни хизматдош ўртоғи келганини эшитиб дарҳол унга пешвоз чиқди. Кучоқ очиб кўришиб дастурхон ёзиб меҳмон қилди.

Ўша кун меҳмондорчилик узоқ давом этди. Вақт алламаҳал бўлганида Довутхон "қайтишим керак" деб қолди.

– Келиш меҳмондан, рухсат мезбондан. Шунинг учун бугун бизникида қола-сиз. Эрта бўлсин кейин ўйлаб кўрамиз.

Ёқубжон ака одатта кура меҳмонни роса сийлади. Дастурхонни турли нознеъматлар билан безади. Олисдан келган йигит яхши дам олсин, дея қалин қўрпа солдириб юмшоқ жой ҳозирлатди. Бироқ у эртанги кун ювош қўринган йигит чув туширишини асло хаёлига келтирмаганди.

Ярим тун. Довутхон аста ўрнидан туриб ташқари чиқди. Буни ҳеч ким сезмади. Ҳатто у шундоққина қўшни ҳовлига ўтганини хонадон соҳиблари пайқашмади.

Айни муддао, Довутхон бўлажак "ов"дан хурсанд бўлиб дераза ойнасини эҳтиёткорлик билан олиб, дўстининг уйига қадам ран-

жида қилди. Бахтга қарши уйда ҳеч бир жон йўқ эди.

Довутхон пайпаслаганча нималарнидир қидирди. Қўлига "DAEWOO" русумли видеоманитофон илинганда, қувончини яширолмади.

– Манавини ўлжа деса бўлади. — У шундай дея видеоманитофонни қўлтиқлади. Қайтишида тешиқдан эмас, балки эшиқдан жуфтакни ростлади.

Эртаси кун қўлга қиритилган "ўлжа" Наманган шаҳридаги "Чорсу" бозорида нотаниш кишига борйўғи 23 минг сўмга пулланди. Пул топишда бели оғримаган йигит ақчани киссага жойлаб акасини қўриш баҳонасида Жиззах шаҳрига жўнаб қолди. Бироқ, у ордан бир неча кун ўтгач, милиция ходимлари томонидан ўз уйида қўлга олинди.

Д. Раҳмонов суднинг қора курсисига ўтиргач, қилган ишидан минг бор пушаймон бўлди. Суд унга беш йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Дўста этказилган зарарлар ҳам қопланади. Аммо ўртадаги ошна-оғайнигарчиликчи?

Мухиддин НУРИДДИНОВ,  
милиция майори.

Мамлакатимизда келажатимиз бўлган болалар соғлом ўсишлари учун катта ишлар қилинапти. Фарзандларимиз ҳар томонлама, жумладан, соғлом фикрли, онгли бўлиб вояга етишлари керак. Кейинги пайтда айрим экстремистик кайфиятдаги кишилар, болаларга ислом динидан сабоқ бериш баҳонасида, уларнинг онгини заҳарлашга, муқаддас динимиз ақидаларидан чалғитиб, ёлгон ақидаларни сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ички ишлар ходимлари ана шундай ножўя ҳаракатлардан воқиф бўлиб унинг илдизига болта уришяпти.

Сайхунобод туманидаги Қ. Султонов номли жамоа хўжалигида ўзини диний илмларнинг билимдони дея эълон қилиб, бир гуруҳ болаларга сабоқ бераётган С. Азим

## БОЛАЛАР ОНГИНИ ЗАҲАРЛАМАНГ!

исмли шахснинг фаолияти билан қизиқдик. Маълум бўлишича у ашаддий "Ҳизбут таҳрир"чи бўлиб, ўзи ҳатто тўғри ибодат қилишни ҳам билмайди. Мақсади, экстремистик ғояларни тарғиб қилиш экан. Унинг уйдан конституциямизга қарши йўналтирилган варақалар топилди. Сабоқ ол-

гани келган болаларга пул бериб, варақаларни тарқатишга ундаган.

Ҳ. Фуломов номли жамоа хўжалигида яшовчи Илҳом

Вахоланки, у тарқатаётган варақаларда, номоз ўқиш туғул, номознинг нима эканлиги ҳам ёзилмаган. Бошдан оёқ кишилар онгини тузумга, жамиятга

қарши қўядиган ёлгон, бўхтонлар, қандайдир "жаннатий халифаликни" тарғиб қилган сўзлар битилган.

Бирор ўғрилиқ содир бўлса, ундан мол эгаси жабрланади.

Экстремистик ақидапарастларнинг шум ниятларидан эса кўпчиликнинг онги заҳарланиши мумкин. Айниқса, қалби пок, ширин орзулар билан яшаётган болалар, ўсмирларни ана шундай заҳарлардан асрашимиз керак.

Шукр ИРСИМБЕТОВ,  
милиция капитани.

## ИҚТИСОД «ЧИГИРТКА»ЛАРИ

Тунги йўл-патрул хизмати ходими, милиция катта сержанти Абдуғани Исроилов селитра ортилган "КамАЗ" автомашинасини тўхтатди. Хужжатларни текширар экан, ҳайдовчининг безовта бўлаётганини кўриб, янада ҳушёр тортиди. Йўл хизматида кўзи пишган милиционер ҳайдовчини ДАН маскани хонасига бошлади. Ҳайдовчи турли найранг ишлаб, ўзини вилоятнинг нуфузли раҳбарининг қариндоши эканлиги, пойтахтда катта амалдор тоғаси борлигини айтиб, осмондан келди. Бироқ, милиционер кўлидаги хужжатларни унга бермай, масканга бошлади.

Айни бир вақтда йўлнинг яна бир участкасида ДАН ходимлари селитра ортилган яна бир "КамАЗ" автомашинасини тўхтатдилар. У ҳам қалбаки хужжатлар билан 13 тонна селитрани республикадан ташқарига олиб чиқиш ҳаракатида бўлган.

– Ҳар иккала автомашинадаги 25 тонна минерал ўғитлар айнан вилоятимизнинг Дўстлик ва Арнасой туманлари кишлоқ хўжалигини кимёвий ўғитлар билан таъминлаш идораларидан ортилган экан, – деди Жиззах вилояти ДАНБ бўлинма сардори, милиция капитани Хусан Холқўзиев – Ўзимизнинг далаларимизга кимёвий ўғитлар зарур бўлиб турганда, уйдагини ўғрилаб сотишни ҳар қандай лаънатли сўзлар билан ифодаласа кам.

Яна бир воқеа тунги соат учларда Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг чегарасида жойлашган "Шовот – 15" ДАН масканида турган йўл-патрул хизмати ходимлари "Икарус" русумли йўловчи автобусини тўхташга ишора қилдилар. Автобус эса тезликни ошириб жўнаб қолди. Фаллаорол шаҳри яқинида турган навбатдаги пост ходимларини во-

қеадан бохабар қилинди. Бу ердаги милиция ходимларининг ҳам уринишлари зое кетди, автобус яна ДАН ходимларига бўйсунмай ўтиб кетди. Тошкент йўналишидаги барча ДАН постлари оғоҳлантирилди. Воқеадан хабар топган бўлинма сардори Х. Холқўзиев тезкор гуруҳ тузиб йўлга чиқди. Гуруҳ аъзолари машинани таъқиб қилиш учун ҳаракат бошладилар. Бу орада навбатдаги ДАН масканига етиб келган автобус тўхтади. Ҳайдовчи эса бамайлихотир ҳеч нарса бўлмагандек, ўзини айбисиз тутарди. ДАН ходимлари автобусни кўздан кечириб, уни биров ушлаб турдилар. Ҳаммаси кейин аён бўлди.

Автобус юрган йўлини кўздан кечириб келаётган тезкор гуруҳ тонг гираширасида йўл четидаги тошлар ортида одам ётганини пайқади.

– Назаримда, анави тош ортида одам ётибди, – деди сардор машинани тўхташга буюриб.

– Қоплар ҳам бор экан, – деди машинадан тушаётиб гуруҳ аъзоларидан бири.

Йигитлар тездан тош атрофини ўраб олишди. У ерда уч йигит ва бир аёл беркиниб ётарди. Милиция ходимларидан ўзини панага олган бу шахслар, аввало ниманидир баҳона қилишга уриндилар. Шу тобда милиция сержанти А. Исроилов бир қоп темир-терсакни кўтариб келди.

– Роса рангли металлни йиғишган экан, – деди у қопнинг оғзини очаркан.

Гуруҳ аъзолари яна бир қанча қопларни топишди ҳаммасида темир-терсаклар бор эди.

– "Икарус" автобусининг ходимларимизга бўйсунмай ўтиб кетиши бежиз эмас экан, – деди воқеани шарҳлар-

кан Х. Холқўзиев. – Биз қўлга олган тўрт киши Самарқандда мўмай пул эвазига рангли металл автобусга темир-терсакларни ортишади. Иккита постимизда тўхтамай ўтган автобус ҳайдовчиси, қўлга тушиши аниқ бўлгач, овлоқ жойда бу "тадбиркор" йўловчиларни уриб, сўкиб, қоплари билан бирга автобусдан тушириб юборади. Темир-терсаклар ичидида ҳар хил машиналарнинг эҳтиёт қисмлари, электр симлар, бебаҳо бойлигимиз бўлган қадимий кўза, обдаста ва бошқалар бор. Яна бир ачинарлиси, темир-терсаклар ичидан ўттизга яқин йўл белгилари ҳам чиқди. Ахир, йўл белгиси аввало инсонлар хавфсизлигини таъминлаш учун қўйилади-ку.

Шундай қилиб, жиззахлик ДАН ходимлари тўрт тоннага яқин рангли металл ва темир-терсакларни республика-миздан олиб чиқиб кетаётган шахсларни қўлга олдилар. Албатта, автобус ҳайдовчиси ҳам жазоланади.

– Катта йўлда ҳаракат кеча-кундуз тинмайди. ДАН ходими хизмат постида минглаб автомашиналарни кузатади. Албатта, улар орасида айрим нопок, жиноят йўлига кирган, йўл ҳаракати қоидаларини менсимайдиганлари ҳам бор. Йўл-патрул хизмати ходими эса сергак ва ҳушёр бўлиши керак. Бўлимимизда ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган ходимлар кўп. Милиция капитани М. Муқумов, милиция кичик лейтенанти А. Эргашев, милиция катта сержанти А. Исроилов, сержантлар Э. Қаршибоев, Қ. Айнабеков ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Равон, текис йўлларда қинғирликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашда имкониятларни ишга солаверамиз, – деди Хусан Холқўзиев.

Содирдин ШАМСИДДИНОВ.

З. Р. Қашқадарё вилояти стоматология шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. У шифокор М. Ю. билан сирдош тутинди. Тилло танга деса кимнинг танглайи тақилламайди. Айниқса, у ярақлаб ўткир нур сочганда, кўзларинг беихтиёр қамашади. Тилло афсусланди. Мижоз дегани оёқ остиндан чиқди. Н. Б. уларнинг жонига оро кирди демак лоф бўлмайди. Ундан иккала ҳамкасб 10 рубллик тилло тангаларнинг ҳар бир донасини 46 минг сўмга пуллаб бериш ваъдасини олишди.

Эшик тақиллашдан юраги ҳаприққан З. Р. меҳмонга пешвоз чиқди. Н. Б. экан. Унинг қулоғига шивирлаб яна уч соатлардан кейин мижозларни олиб ке-

## ТИЛЛОФУРУШЛАР

лишни айтганда, кўнгли ёришиб кетди. Дарров М. Ю.га кўнғироқ қилиб "сарик иблис"ни тезроқ келтиришни тайинлади. Ана тапир-тупур, мана тапир-тупур. Сотин тақиқланган олтин тангаларни пуллаш учун отнинг калласидай юрак керак. З. Р. қурмагур бунда ус-таси фаранг экан. Мижозлар келгунча ўзининг 8 дона ва М. Ю.нинг қизи Нилуфар келтирган 5 дона чор Россиясида зарб этилган тилло тангаларни кафтга солиб уйнаб ўтирарди.

Мижозлар ҳам хушнуд эди. З. Р. савдо силлиққина кечаётганлигидан хурсандлигини яширолмай ҳамёни-

дан олган тилло тангалардан бирини тишлаб:

– Асил, соф тилла, – дея мақташга тушди.

Мижозлардан бирининг қитмирлиги тутдими, луқма ташлади:

– Ким молини ёмон деган.

З. Р. мижозлар кўнглини оғритишни истамай ҳар бир тангани кислота солинган идишга ташлаб синовдан ўтказди. Аёлнинг "мард"лиги мижозлар ишончини янада мустаҳкамлади. Харидор Э. Т. 8 дона тилло танга учун унга 400 минг сўм пулни узатди. Аммо З. Р. мижозга 5 дона тилло танга тутиб, 250 минг сўмни олиб қол-

ди. Тиллофурушларнинг қувончи узокқа чўзилмади. Остонада пайдо бўлган милиция ходимлари муомалада тақиқланган буюмлар савдоси билан шугулланган З. Р. ва Н. Б.ни ички ишлар бўлимига олиб келишди. Дугоналар сир-синаотларини яширишмади. Яширишга ҳожат ҳам қолмаганди-да.

Ҳар учала шерик суд ҳукми билан жиноий жазога тортилди. Аммо уларнинг аёллиги, қарамоғида фарзандлари борлиги ҳисобга олиниб амнистия қўлланилди. Қилвирлик ҳеч қачон ҳеч кимнинг бирини икки қилмаган.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ.

## ЁНГИН АВТОМАТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Кейинги йилларда республикаимизда кўпгина ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда янги-янги корхона ва муассасалар қурилиб ишга туширилмоқда. Олиб борилаётган янги қурилишлар, ишлаб чиқариш корхоналарини чет эл технологиялари билан жиҳозланиши, маҳсулотларимиз дунё бозоридида рақобатбардош бўлишида ва Ўзбекистон халқини ҳам иқтисодий, ҳам маънавий бойитишда катта ўрин тутаети. Бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар биз ёнгиндан сақлаш хизмати ходимлари зиммасига яратилаётган моддий бойликларни ёнгиндан сақлашда, жуда катта масъулият юклайди. Шу боис ўтказилган таҳлиллар ва статистик маълумотлар асосида корхоналарда ва умуман халқ хўжалиги жабҳаларида, шунингдек турар жой биноларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида республикаимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари қайта текширилиб айрим корхоналарда камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланди ва уларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. Республикаимиз ҳудудида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, халқ мол-мулкни тилсиз ёвдан ҳимоя қилиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Лекин, айрим корхона ва идора раҳбарлари биноларни ёнгиндан хабар берувчи қурилмалар билан жиҳозлашга ва техник созликни таъмирлашга маблағлари йўқлигини рўқач қилиб ёки ҳар хил баҳоналар билан ўзларини оқламоқчи бўлмоқдалар. Жумладан: Қарши шаҳрида жойлашган ип-йигирув, тўқимачилик корхонасининг ишлаб чиқариш цехи ёнгиндан хабар берувчи қурилмалар билан жиҳозланмаган ҳамда тутун сўргичлари ўрнатилмаган, Нукус шаҳрида ип-йигирув тўқимачилик корхонаси ҳам ёнгиндан хабарловчи қурилма билан жиҳозланмаган ҳамда ишлаб чиқариш цехларида ва омбор биноларида тутун сўргичлари таъмирланмаган, Гурлан туманида жойлашган ип-йигирув тўқимачилик корхонасида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Шунингдек, Фарғона, Андижон, Самарқанд шаҳарларида қурилаётган ип-йигирув корхоналарида ҳам шунга ўхшаш камчиликлар борлиги аниқланди. Афсуски, республикаимиз корхона ва халқ хўжаликлари, шифо масканлари, савдо дўконларида ёнгин хавфсизлигига эътиборсизлик билан ёндошилганлиги сабабли ёнгинлар содир бўлмоқда. Маълумки ёнгинлар содир бўлган пайтларда, ёнгинни автоматик тарзда ўчирувчи ускуналар ёки ёнгиндан хабар берувчи мосламалар соз ҳолатда бўлиб, тезкорлик билан ишлаб ўз вазифаларини бажарсалар, катта талафот қўрилмайди ва ўз вақтида ёнгинлар ўчирилади.

Бухоро шаҳрида жойлашган давлат тарих археологик қазилмалар музейида электр симларнинг қисқа туташуви рўй берганда ёнгиндан дарак берувчи автоматик қурилмалар вазифасини бажарганлиги натижа-сида 300.000.000 сўмлик моддий товар бойликлар сақлаб қолинди.

Боғишамол тумани Гагарин кўчасида жойлашган, Баккондиционер марказида содир бўлган ёнгинда, дарак берувчи автоматик қурилмалар ўз вазифасини бажарганлиги натижасида 700.000 сўмлик моддий товар бойликлар сақлаб қолинди.

Боғишамол тумани "Ўзбекистон" кўчасида жойлашган, 10-савдо дўқонида содир бўлган ёнгинда, автоматик қурилмалар ишлаб кетиб, 1,5 млн. сўмлик моддий товар бойликлар сақлаб қолинди.

Айрим жойларда бунинг аксини кўриш мумкин.

Бухоро шаҳридаги 1-шаҳар соғлиқни сақлаш даволаниш масканида содир бўлган ёнгинда, ёнгиндан дарак берувчи қурилмалар таъмирланмаганлиги учун ишламаган. Натижада 1 млн. сўмга яқин зарар етган. Шунга ўхшаш ёнгинлар Тошкент, Фарғона, Урганч, Нукус шаҳридаги ишлаб чиқариш савдо-маиший хизмат корхоналарида содир бўлмоқда, натижада давлатимизга ва халқимиз яратган моддий бойликларига катта зарар етмоқда.

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар, маъмурий бинолар, аҳоли турар уйлари ёнгинни олдини олиш чора-тадбирлари тўла бажарилгандагина узок вақтгача хизмат қилишлари мумкин. Шунинг учун ҳар бир раҳбар ходим, фуқаролар ёнгин хавфсизлиги мосламаларига жиддий ёндошиб меъёр қоидалар асосида барча талабларни сўзсиз бажаришлари керак.

М. ИБРОҲИМОВ,

НИВ ЁСБ меъёр амалиёти бўлими бошлиғи,  
ички хизмат подполковниги.

# “МЕНИ ОНАМ ТАШЛАБ КЕТДИ”

\* Турмуш  
чорраҳаларида

Уша куни ишхонада анчагача қороз қоралаб ўтирдим. Ёзишга шу қадар берилиб кетибманки, кеч кирганини ҳам пайқамабман. Ниҳоят ёзган янги мақоламга ҳам сўнги нуқта қўйдим. Ўзимни енгил ҳис этиб, зинадан аста тушиб эшик сари бораётганимда, таниш овоз эшитилди:

— Баҳодир, мабодо ўвил керак эмасми?

Ўгирилиб ортимга қарадим. Кўрдимки, шаҳар прокурорининг ўринбосари Маъруфжон ака Эгамов ҳар доимгидек кулиб турибди.

У киши ҳайрон бўлиб турганимни пайқайди шекилли, яна такрорлади.

— Ҳар аҳтимолга қарши, ўвил керак эмасми, шуни сўраётгандим.

Мен у томон яқинроқ бордим.

— Ҳозирча биттаси ҳам етиб турибди, — дедим ҳазил оҳангида. Сўнг нима гап ўзи, дегандай назар ташладим. Маъ-

руфжон ака муддаога ўтди:

— Қарамайсизми, мана-ви болани онаси ташлаб кетибди-я. Милиция ходимлари боғ ичидан топиб олишибди.

— Исми нима, қаердан келган экан?

— Бу жуда гапдонга ўхшайди, яхшиси, ўзи билан бир гаплашиб кўринг?

— Отинг нима?

— Зиёдулла.

— Қаердан келдинг?

— Учқўрғондан.

— Кимнинг ўғлисан?

— Ойимни.

— Ойинг ким?

— Кароматхон.

— Даданг-чи?

— Нўъмонжон.

— Улар нима иш қилди?

— Ойим ишламайди, дадам қамоқда.

— Даданг нима учун қамалган, билмайсанми?

— Биламан. Битта одамга пичоқ тиқиб олгандилар.

Болакайнинг гапини эшитяпману, беихтиёр хаёл олиб қочяпти. Бундан уч-

тўрт ой аввал Учқўрғон туманлараро прокуратурасига хизмат сафарига боргандим. Ушанда прокурор руҳсати билан, бир жиноят иши билан танишгандим. Унда худди Зиёдулла айтган гаплар бордек эди.

Ҳа, бола ҳеч қачон алдамайди. У кўрганини, эшитганини гапирди. Фақат биз катталаргина ўз фойдамиз учун ёлгон гапирармиз, баъзан ўз дўстимизнинг ҳам қўйини пуч ёнроққа тўлдирсак деймиз.

Уша кун уйга қандай етиб қолганимни сезмадим, йўл-йўлакай кўз ўнгимда Зиёдулланинг бир қарич бўй-басти гавдаланаверди. Ялангоёқ, эгнидаги кир бўлиб кетган уст-боши, қора кўзларининг жовдираши хотирамда муҳрланди. Уни турмушнинг чигал йўлларида келгусида нималар кутаётгани мени кўп ўйлантирди. Ҳалитдан сарсон-саргардон юрган бу болакай эртага ким бўлади? Жамиятта қандай наф келтиради?

Айтиш мумкинки, у шу



алпозда кетса борми, худо кўрсатмасин, кўча боласига айланиши, безори бўлиши ҳеч гап эмас. Бугун кўзимизга ширин тилли,

ёқимтой бўлиб кўринаётган болакай эрта-индин куйдирмажон бўлмаслигига ким кафолат бера олади? Саволлар кетидан са-

воллар ёғилаверади. Бироқ жавоб қани?

Хўш, ота қилмиши учун жазоланаётган бўлса, ахир она, қариндош-уруғ бордир? Наҳотки, она ўз фарзандини тарбиялаш ўрнига, унга айтгани бирор оғиз ширин сўзи бўлма-са. Уни она деб бўлади-ми? Йўқ, албатта.

Мен ушбу мақолани якунлаётганимда яқин танишимнинг бир гапи ёдимга келди. “Дўстим, аёллар ҳақида мақола ёзганда унга эркаклар насл давомчиси бўлса, аёллар миллат тарбияловчиси-дир, деб қўшиб қўйинг”, — деганди у.

Бу гапни тушуниш, мушоҳада этиш ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Лекин гап миллат тарбияловчиси ҳақида борар экан, Пайгамбаримизнинг “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир” деган ҳадисларини яна бир қара эслатмоқчиман. Зотан, бу Кароматхон сингари “она”ларга тегишли эмас.

Баҳодир ҲАМИДОВ.

## Маънавият

# «ЕГАННИН ОШ ДЕМАНТ ЕЛМИЗ АЁЛНИНГ...»

Замира турмуш ўртоғининг ўлимидан кейин яна кетма-кет ҳаёт зарбаларига учрайман деб ўйламаганди. Турмушга чиқиб, фарзандлик бўлиб энди ёшгина етим қолиб дили ўксиганлари ёдидан кўтарилай деганди. Оғзи ошга етганда боши тошга тегди деганлари шу бўлса керак — тўсатдан эри навқирон ёшида оламдан ўтди. Аммо бу кўргулиги ҳам ҳаммаси эмас экан.

...Уша куни Замира ошхонада чақаловига овқат тайёрлаётганида ичкаридан қайнонасининг гапи қуловига чалинди:

“Шу келин шумқадам экан. Унинг касридан ўғлим ёшгина побуд бўлди”. Замиранинг бошидан биров қайноқ сув қуйиб юборгандай бўлди гўё. Қўлидан идиши тушиб кетди. Қанча турганини билмайди. Охири ўзини овутишга куч топа билди. “Қайнонамга ҳам қийин. Бўйи бўйига тенглашган фарзанд доғига чидашнинг ўзи бўладими?” — деди ичидан.

Орадан бир-икки кун ўтгач, қайнонаси очик муддаога ўтиб қўя қолди:

— Ё уйни бўшат, ё болаларингни менга бер, — деди томдан тараша тушгандай.

Қайнота шундай пайтда оғир-босиқ бўлиши, қайнона-келинини мурасага келтириши керак эди. Аксинча бўлиб чиқди:

— Сан эрта бир кун турмушга чиқсанг, невараларим кўчада қолиб кетади. Ўзинг ёмонлигинг учун ота-онангдан ҳам эрта айрилдинг. Эрингинг ўлими ҳам санга худонинг жазоси, — деди у мушайиб ўтирган келинига қараб ўлганининг устига тепган қилиб. Одамзод кўп нарсасга чидаркан. Замира амаллаб бу гапларни ҳам ичига ютди.

Айрилиқ алами, аччиқ-куруқ гапларнинг захри сал босилганда Замира эри бир-икки оғайнисидан озроқ қардорлигини эслади. Мархум қабрида тинч ётсин деб, қайнотасига эрининг ҳамкасблари тўплаб берган ёрдам пулидан шу қарани узинса яхши бўларди, деганда қайнотаси жеркиб:

— У пулларни рўзғорга ишлатдим. Бутун хўжалик мани бўйинида, қарани қандай тўласанг тўлайвер, — деди.

Замира қаёққа боришни, кимга дардини айтишни билмай қолди. Наҳотки осмон йироқ, ер қаттиқ бўлса. Ахир, ёши бир жойга борган киши қабр азоби, у дунё савол-жавоби каби нарсаларни яхши билиши керак-ку. Қабр бошида “Мархумнинг олди-бердисига ким жавобгар?” деб бекорга сўралмайди-ку.

\*\*\*

...Фарида эри оламдан ўтгач, қайногалари дастидан бошини қайси тошга уришни билмай қолди. Бирови электрни узиб қўяди, бошқаси кир совунгача кўтариб кетади. “Қачон уйни бўшатасан” деб пўписа қилишади. Безор бўлиб уч-тўрт кун онасининг уйида туриб келганида “Қайси ўйнашиникига бординг?” деб қийноқ-қистовга олишади.

Фарида илгари қайногаларининг каттасини бўлакча ҳурмат қиларди. Ҳаммасидан ҳам шунинг қилиғи ошиб тушди. Бир куни у:

— Сизни никоҳимга оламан. Шариятда шундай буюрилган экан, — деди.

— Ака, нималар деяпсиз? Ахир бу гапингизни эшитиб укангиз

гўрида тикка туради-ку, — деди Фарида ўзини йиғидан тўхтатолмай.

— Йўқ, унинг руҳи под бўлади, акам оиламга гамхўрлик қилаяпти деб, — ўзининг гапини маъқул қилди қайнона-си.

Фарида “туф-е сизга” деб чиқиб кетди.

У шу дамда чақаловини бағрига босиб дунёнинг нариги чеккасига кетишга ҳам рози эди, фақат оқибат, инсофни унутган одамларни кўрмаса. Лекин ёш бо-



ласи билан қаерга ҳам сизарди. Онасиникига борай деса, шундоқ ҳам уч келин билан яшапади. Яна бир укаси уйланиш тараддудида...

ХУРШИД.

### ТАҲРИРИЯТДАН:

Юқоридаги воқеаларни шарҳлаш газетхонлар ҳукмига ҳавола.

Ҳар икки ёш тул қолган келинчақ ҳам қонун йўли билан, суд ёрдамида, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари кўмагида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишар. Лекин “Шулар отам, онам, акам ўришни босишар” деб хонадонларига қадам босган кишилар томонидан улар қалбига етказилган яра битармикан? Қонуний ҳақ-ҳуқуқ, мажбуриятлардан ташқари маънавий бурч деган тушунча ҳам бор-ку. Зора, бу сатрларни ўқиганда ана шу муқаддас туйғуларни унутганлар ўйга толмиса, инсофга келишса...

**Бу муфта олам**

## АЖАЛНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ

Маълумотларга қараганда ҳар йили беш юз минг америкалик тамаки чекиш билан боғлиқ касалликлар туфайли ҳалок бўларкан. Дунё бўйича олиб борилган ўттизта илмий-текшириш ишларининг хулосаларини таққослаб кўрган АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Агентлиги мамлакатда ҳар йили чекмайдиган, лекин ўпка ракидан ҳалок бўладиган уч минг америкалик ён-атрофидаги кашандаларнинг касридан, улар ютоқиб чекадиган сигаретлар

тутунидан шу тузалмас дардга мубтало бўлишини билдирди. Ҳозирги пайтда АҚШнинг 27 фюз аҳолиси кашанда бўлиб, кўпгина штат ва маҳаллий ҳокимликлар қандай йўл билан бўлмасин бу ихтиёрий равишда ўзини ва атрофдагиларни заҳарловчиларга қарши курашишга бел боғладилар. Жамоатчилик жойларида чекиш қатъий чекланган. Бу ҳақда "Америка" журнали маълумот берган.



**КУЛГУ  
БЕКАШУ**



## "ҚОРОВУЛНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ"

— Кеч кирганда қаёққа кетаяпсан? — сўради Йўлдош дўсти Улфатдан.  
— Нариги маҳаллага, кўриқчиликка...  
— Бизнинг маҳаллага кўриқчининг ҳам кераги йўқ, — кулди Йўлдош.  
— Нера?  
— Маҳалламиздаги Аҳмад кашанда кечаси билан ўхламай, йўталиб, тамаки чекиб, юриб чиқади. "Ҳа, бу ерда қоровул бор экан", — деб маҳаллага бироррта ўғри йўламайди...

## ЧАЙҚОВЧИ ТЕРРОРИСТ

Стюардесса командирнинг ёнига бориб, деди:  
— Самолётимизга бомба кўтарган террорист чиқиб олибди. Парашют сотаяпти.

## ЙЎЛБАРС ОВИ

Иккита овчи суҳбатлашиб қолди:  
— Яқинда Африкага боргандим. Йўлбарс овлашнинг зўр усулини топиб олдим, — мақтанди биринчиси. — Кечаси ов қилиш керак, чунки йўлбарснинг кўзи тунда ёниб туради. Иккала кўзининг орасини нишонга олиб, тепкини босасан — ўлжа тайёр.  
— Шу усулда нечта йўлбарс овладинг? — сўради униси.  
— Бирорта ҳам овлай олмадим. Ярамас йўлбарслар жуфт-жуфт бўлиб, битта кўзларини омиб юрадиган бўлиб қолишибди.

## КЎЧАНИНГ НАРХИ НЕЧА СЎМ?

Янги рус бойи ва унинг собиқ синфдоши учрашиб қолдилар.  
— Салом дўстим! Аҳволинг қалай?  
— Э, сўрама ошна! Ҳали шартнома тузиш учун Парижга, энди банкирларнинг Бутундунё конгрессида қатнашиш учун Вашингтонга учаман. Бўёқда хотиним Гавайга бориб, кўнгил очишни хоҳлаб қолади. Сира тинчлик йўқ. Ўзинг қалайсан?  
— Мен кўча савдоси билан шуғулланяпман...  
— Роса кизик-ку? Ўртача кўчангнинг баҳоси неча пул?

## ҲАЁТ ҚОНУНИ

— Икки хотиндилар ким томонидан жиловланади?  
— Икки қайнона томонидан...

## 122-МИЛЛИМЕТРЛИ "ҲАЗИЛ"

Санкт-Петербурзнинг Курорт туманидаги шаҳарчалардан бирига жойлашган ҳарбий қисмининг назорат-пропуск пункти дарвозаси ёнига оқ рангли "Опель" машинаси келиб, бир неча дақиқа тўхтаб турди. Унинг бу ерда туриши навбатчини ажаблантирмади: кунига бундай машиналардан қанчаси келиб-кетида. Бир неча дақиқадан кейин жўнаб кетган машина ўрнида ётган нарса эса навбатчини бефарқ қолдирмади. У яқинроқ бориб, ҳайратдан қотиб қолди: ёнгинасида 122-миллиметрли 12 та артиллерия снарядлари уюлиб ётарди. Уларнинг ёнида детонатор, портлаттич мослама ёки бошқа бирор бир хавфли нарса йўқ эди.

Бу "ҳазил" кимга, нима учун керак бўлгани номалум. Ҳуқуқ-тартибот идоралари оқ рангли "Опель"ларга қарши "ов" бошлаб юбордилар. Бироқ "ҳазилкашлар" сувга чўккандек ғойиб бўлдилар.

## "БЕОЗОР СЕВИШГАНЛАР"

Нижний Новгороддаги Совет тумани аҳолиси миёвлаб тунлари уйку бермайдиган ташландиқ мушуклар йўқолиб, ҳовлилари тинчиб қолганидан хурсанд эдилар. Бироқ "эркатой" бароқларини "айлангани" чиқариб, йўқотиб қўяётган момолар кўпайгач, бу ерда бир сир борлигини сезиб қолдилар. Кўп ўтмай сир ҳам очилди — суюкли мушукчасини ҳовлида "оёқ чигилини" ёздиргани чиқариб, дераза пардаси ортидан кузатиб турган бувижони бир-бирини ялаб-юлқаб ҳовлига кириб келган, каттакон хўжалик сумкаси кўтарган йигит билан қизга аҳамият берди. Улар ўпишганларича мушукча томон бориб, уни чақириб, нимадир узатдилар. Ишонувчан мушук ёнларига боргач, шаппа ушлаб, сумкага солдилар...



Ҳушёр кампир югуриб чиқиб, сумкага ёпишди. "Севишганлар" кампирни итариб юбориб, қочиб қолдилар. Маълум бўлишича, улар мушукларни тутиб, терисини шилар ва ундан қалпоқ тикишаркан.

Матбуот материаллари асосида Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.

## КАШАНДА МАЙМУН

Буэнос-Айросда яшовчи Артур Мейли деган одамнинг уч ёшли Данди исмли эркак шимпанзе-си бор экан. Бир кун Артурнинг жияни Тимоти ҳазиллашиб Дандига "Партагас" сигаретини таклиф қилди. Данди сигаретни оғзига солиб, чайнади ва туфлаб ташлади. Орадан бир неча кун ўтиб



Тимоти амакиси йўқлигида Дандига ёқилган сигарет берди. Ва Данди... чаққонлик билан чека бошлади.

Кейинчалик Данди эгасидан айнан "Партагас" сигаретини талаб қиладиган, бермаса, унга деярли ташланадиган бўлиб қолди.


Энди эса Артур Мейли маймунига қандай қилиб чекишни ташлашига ҳайрон.

## УЧ КИЛОГРАММЛИ ТАНГА

Оғирлиги уч килограмм, диаметри 130 сантиметр бўлган тангани чўнтакка солиб юриш ишқибозлари бўлмаса керак. Бироқ унга "етишиш" ҳар қандай нумизмат учун катта бахт, чунки у тоза кумушдан тайёрланган бўлиб, тахминан 1000 АҚШ долларига баҳоланади.

Бу янги пул бирикклари Петербургдаги зарбхонанинг "туғилгани"га 275 йил тўлиши муносабати билан ўзига хос совга сифатида яқинда ишлаб чиқилган. Атиги 150 дона бўлган бу тангалар фақат коллекционерларга мўлжалланган.

Жаҳон урушида қозонилган галабанинг 55 йиллиги муносабати билан апрель ойида худди шунга ўхшаган яна бир эсдалик гигант-танга серияси ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда.



## Қилмиш - қидирмиш

# ҚАРИБ ҚУЮЛМАГАН "ОШИҚЛАР"

Инсон ўз нафсининг ўпқонига ўзи тушиб, турли бемаъниликлардан тортиб, ваҳшийлик қилишга-да боради. Яхши кунларда, байрамларда бироз ичишга нима етсин. Лекин спиртли ичимликка муккасидан кетиб, ҳаёт тарзини фақат ароқ ичишдан иборат деб билганлар, афсуски, кам эмас. Алкоголизм инсон соғлиги учун нақадар зарарли эканлиги ҳаммага маълум. Лекин захриқотил баъзиларни ўзига шу қадар маҳлиё этадики, иродаси бўшлиқ қилиб, унинг домига тушади. Шуниси ачинарлики, кўп ҳолларда бунинг оқибатида фожиалар келиб чиқади.

Яқинда Самарқанд шаҳрида ҳам кулоқ эшитиб, кўз кўрмаган воқеа содир бўлди. Н. Қаюм (исми-шарифи ўзгартирилган) эргалаб сут олиш учун ташқарига чиқди. Харидни қилиб қайтаётган эди йўлда таниши, 5-6 йилдан буён учрашиб турадиган Людмила дуч келиб қолди. Хурсанд бўлиб кетган "ошиқ" уни уйига таклиф этди. Лекин аёлнинг зарур иши

бор эканми, бу таклифни рад этди. Аммо Н. Қаюм анойилардан эмасди. Бир амаллаб уни кечкурун келишга кўндирди.

Н. Қаюм 66 ёшда бўлса-да, ҳали жуда бақувват. Уйдаги барча оғир юмушларни ўзи қилади. Бундан ташқари уй томини ёпиш, сувоқ қилиш, боринки унинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Аммо ўлгудек ўжар ва бадфёъл. Бу одамнинг қалбида заррача меҳр-муҳаббат, шафқат йўқлигини кўпчилик билади. Икки маротаба уйланган, бироқ хотинлари унинг жохилдорлигига чидай олмай кетиб қолишган, фарзандлари эса отасининг бевурдлигидан юз ўғиринган.

Н. Қаюм Людмилани кута-кута ухлаб қолди. Бир пайт уйғониб соатиغا қаради. "Вақт алламаҳал бўлиб қолибди, бу занғаридан ҳали ҳам дарак йўқ" — хаёлидан ўтказди у. Қутилмаганда эшик таққиллаб, Людмила ароқ кўтариб кириб келди. Дастурхон ёзилгач, улфатчилик бошланиб кетди. Буни қарангки, ёши олтимишдан ошиб

қолган қариялар кеч соат 24.00ларгача базму-жамшид уюштиришди. Кейин... Н. Қаюм Людмилага тегажоглик қила бошлади. Бу сафар аёл унинг майлини қайтарди. Бир-икки уриниши зое кетгач, бадфёъл "бобо" тутуқиб кетди. Ёнида турган ҳасса билан аёлнинг тўғри келган жойига аямасдан ура бошлади. Людмила жон аччиғида бақирар, типирчиларди. Шунга қарамасдан ҳасса зарби унинг боши, юзи, қорни ва оёқларига тинмай тушаверди. Бироздан кейин аёл тинчиб қолди. Хуморидан чиққан Н. Қаюм ухлаш учун ичкари хонага кириб кетди.

Тонг отди. Уйкудан турган Н. Қаюм ёнида Людмила йўқлигига ҳайрон бўлди. Кечаги маишатдан кейин боши зирқираб оғир эди. Залда юз тубан ётган Людмиланинг олдида келиб, уни ағдарди. Аёл қонга бўялган ҳолда сассиз ётарди. Н. Қаюм совиб қолган жасадни даст кўтариб, ваннахонага олиб кирди ва моматалоқ бўлиб, қонга бўялган аёл танасини юва бошлади...

8-шаҳар милиция бўлими ходимлари жиноятни бир зумда Н. Қаюмнинг буйнига қўйишди. Чунки келтирилган далиллар-у исботлар олдида "бобо" бош эгиб қолган эди.

Меҳри АБДУРАҲИМОВА, милиция старшинаси.

## ДАН ҳаётидан

# ХОДИМЛАРИМИЗ ДОИМО ҲУШЁР

Урганч шаҳар ИИБ ДАНБ ходимлари йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йил мабойнида 22 миңдан ортиқ қоидабузарликлар аниқланди. Маст ҳолда транспорт бошқариб бораётган 412 нафар ҳайдовчи тўхтатилиб, бахтсиз ходисаларнинг олди олинди. ДАНБ ЙПХ нозири, милиция кичик сержанти Баҳром Болтаев Шовот туманининг "Соҳибкор" жамоа хўжалигига яшовчи Раҳмон Худойбергеновни транспорт бошқариб келаётганда тўхтатади. Ҳайдовчининг безовталанаётганини сезган ДАН ходими машина ўриндиги тагидан 2,5 грамм опий гиёҳванд моддасини топиб олди. Худди шунингдек, ЙПХ нозири, милиция сержанти Мурод Сайдов ҳам Урганч шаҳар, Ҳамза кўчасида яшовчи Қаҳрамон Бекчоновнинг машинасида опий гиёҳвандлик моддаси борлигини аниқлади.

— Ҳар бир осойишталик посбони ниҳоятда ҳушёр, вазиятни тез ва тўғри баҳолай оладиган бўлмоғи лозим, — дейди Урганч шаҳар ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция майори Аҳмадjon Раҳимов. — Бу давр талаби, албатта. Шу

боисдан ходимларимизнинг касб маҳоратини оширишга, билим савиясини кенгайтиришга, муомала маданиятини яхшилашга, йўл-транспорт билан боғлиқ бўлган турли қонунбузарликларни камайитиришга алоҳида эътибор бераёلمиз. Ходимларимиз "Тун", "Тозалаш", "Чирок", "Мотоцикл" каби ўнлаб тадбирларда фаол иштирок этиб, самарали натижаларга эришмоқдалар. Ҳушёр ходимларимиз томонидан қалбаки ҳайдовчилик гувоҳномасидан фойдаланаётган 4 нафар киши аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Урганч шаҳар ИИБ ДАНБ ходимлари йўл-транспорт хавфсизлигини таъминлаш билан бирга содир бўлаётган жиноятларни тезкорлик билан фош этишда фаоллик билан иштирок этишяпти. Ўтган йили ДАНБ ходимлари 25дан ортиқ жиноятни ўз вақтида очишда иштирок қилдилар.

Ҳушёрлик, жиноятчиларга қарши мурасасиз бўлиш айни кун талаби. Урганч шаҳар ИИБ ДАНБ ходимлари зиммаларидаги масъулятни вазифаларни сидқидилдан бажариш борасида тинмай ҳаракат қилишмоқда.

Х. ЖАББОРОВ.

Одатда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш идоралари ҳақида ўйлаганимизда кўпинча ноҳуш кайфият уйғонади. Бу бир жиҳатдан тўғри, чунки уларнинг иши кўнгилсиз воқеалар билан боғлиқ. Лекин, масалан, милиция бўлмаса, ахвол қандай кечар эди, деб фикр юритиб кўрганмисиз? Худди шу саволни ўзингизга беринг ва қуйидаги ҳодисани ўқиб, ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳаётимизнинг осойишталиги, тинч ва хотиржам яшашимиз учун нақадар зарур шахслар эканлигига яна бир бор иқроқ бўлинг.

Баҳор шабодалари эса бошлади. Баҳром Алимов қамоқ дарвозасидан чиқиб келди. У олтинчи марта озод бўлмоқда эди. Одам қамоқдан чиқаркан, “Бу ерга бошқа қайтмай, тўғри йўлимни топиб олай” деб ният қилади. Бироқ Баҳром Алимовнинг миясида фақат “Пул! Пул! Қон! Қон!” деган товуш айланарди.

Озод бўлганини “ювди, ювди”лар тугагач, Баҳром режасини амалга ошириш учун қуролланган жиноий тўда тузди. Тўдага акаси Фулом Алимов, Шухрат Бобононов, Муроджон Худойназаров, Шомурод Шорахматовлар кирдилар. Кейинроқ эса “Ўзавтотранссервис” бош директори томонидан Баҳром Алимовга берилган “Доган” русумли автомашинага ҳайдовчи қилиб ишга олинган Шухрат Хўжаев ҳам гуруҳ аъзосига айланди.

Улар Тошкент туманидаги “Олим” деҳқон-фермер хўжалигини ўзларига “штаб” қилиб, граната, пичоқ каби қуроллар йиғдилар. Арқон ва арматуралардан одамнинг жонини олишга мўлжалланган мосламалар ясадилар. Ҳар кимга иш тақсимланди. Жумладан, Б. Алимов, Ш. Хўжаев, Ш. Шорахматовлар бозорлардан деҳқонларни алдаб юки билан “штаб”га олиб келиб ўлдиришлари, Ф. Алимов эса уларга шартшароит яратиб бериши ва жиноят изларини йўқотиши керак эди.

Мана, ишга киришилди, Баҳром билан Шухрат йўлга

зини кўтара харид қилмоқчи бўлиб савдолашдилар. Савдо пишди. “Кама3” автомашинаси ажал фермаси томон йўлга тушди. Ҳаётда шундай инсонлар ҳам бўлишини ҳаёлларига келтирмаган деҳқонлар ишлари би-таётганидан хурсанд эдилар.

Фермага келишгач, Амир Турсуновни вагонга олиб кириб, оёқ-қўлларини боғладилар-да, гаражга

руллари ажал фермасига қараб бурилди.

— Хўш, — деди Баҳром, — машинани менга сотганинг ҳақида тилхат ёзиб берасан!

А. Ганиев кўнмади. Бу эса А. Ганиевнинг ўлими эди. Аммо, бизнингча, кўнганда ҳам барибир қонсироган жаллодлар жонини олишар эди. М. Худойназаровнинг ўрганган пичоғи ишга туш-

## Жиноят ва жазо

дан сўнг улар кира қилган “Зил” машинаси “Олим” ажал фермасига кириб борди. Картошка эгаларининг ҳаммаси азобланиб, ваҳшийларча ўлдирилди.

“Зил-130” машинасига 111319, 35 сўмлик сопол идиш ортиб қелаётган Чимкент шаҳрилик Сайфулло Сартаев, Дилмурод Соипов, Шабон Осмонновлар ҳам манфур, ёвуз тўданинг қурбони бўлдилар. Тўда аъзоларининг назарида, мана, одамнинг баҳоси қанчалик паст эди.

Жиноятлари очилмаётганини кўрган тўда аъзолари ўзларини шаҳаншоҳдай сеза бошладилар. Яширин қабиҳ оламнинг инсон қиёфасидаги маҳлуқлари орасида обрўлари ортди. Баҳром Алимов эса “авторитет”га айланди, “разбор”лар қилишга ҳам ўтди. Масалан, Сайдулло Рўзиметов деган киши таниши Салим Расулхўжаев орқали Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани мева-сабзавот улгуржи-чакана савдо корхонаси директори Миразиз Усмоновдан 231 минг сўм пулни ундириб беришни

сўради. Гуруҳ аъзолари директорни зўрлаб Тошкент туманидаги “Кўктерак” чойхонасига олиб боришди.

— Бу пулни долларга айлантурсак, 22 минг бўлади. Уч кун ичида топсанг, топдинг, бўлмаса, ўзингни, бола-чақангни ўлдириб, манаву шлюзга ташлаймиз! — деди Баҳром.

Лекин уларнинг бу ниятлари амалга ошмай қолди.

Бошқирдистон Республикасининг Стерлитамак шаҳридаги “Цянь-Линь” акционерлик жамияти иж-рочи директори Расих Мурсалимов Тошкентдаги “Айна” фирмаси директори Нодир Арслонов ва унинг ўртоғи Григорий Шахсуварянлар билан битим тузиб, 15 тонна қишлоқ хўжалик плёнкаси олиб келади. “Айна” фирмаси плёнка ўрнига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериши керак эди. Плёнканинг 12 тоннасини ўзини Москвадаги “Анжелика” фирмаси директори деб таништирган Аҳмед Муратовга сотадилар. Бироқ А. Муратов турли важлар кўрсатиб пулни тўламайди. Шунда жабранувчилар “разборчи” Баҳром Алимовга мурожаат қиладилар. Уларга А. Муратовга 2 минг АҚШ доллари бериб унди-ролмайд юрган Яшар Тагиев қўшилади. “Разборчи” Б.

Алимов шериклари билан А. Муратовни Чилонзордаги “Алпомиш” қаҳвахонасига олиб келдилар. Қаҳвахонага жабранувчилар ҳам тўпланганди. Улар А. Муратов ўзларидан 750 минг сўм ва 2 минг доллар қарз эканлигини исботладилар. А. Муратов қарзларини деновлик “Ўзбекистон” савдо фирмаси директори Рустам Абдураззоқов ёрдамида узаман деб ваъда берди. “Разборчи-лар” А. Муратовдан Р. Абдураззоқов номига хат ёзди-риб олдилар. Сўнгра то Р. Абдураззоқов келгунча қарздорни тутқунликда ушлаб туришди. Жабранувчилар Р. Абдураззоқовни аэропортда кутиб олиб, хатни берадилар. Ҳаммалари, А. Муратовни ҳам олиб “Кўктерак” чойхонасига борадилар. Р. Абдураззоқов қарзни Сурхондарё вилояти, Денов шаҳрида турган тўртта ДТ-75 тракторини бериб узишга ишонтиради. Лекин у ваъдасини вақтида бажармайди. Натигада А. Муратовни қайта чойхонага келтиришади. “Разбор” пайтида қарздор ёлгон гапирётганини пайқайдилар ва Баҳром Алимов уни ўлимга ҳукм қилади. Орадан икки кун ўтгач, Ш. Бобононов ва М. Худойназаров А. Муратовни Заҳариқ бўйига олиб чиқадилар-да, уриб, бўғиб азоблай бошлайдилар. М. Худойназаров охири уни шартта сўйиб ташлайди.

Хуллас, мазкур тўда қисқа муддатда 25 нафар кишини ваҳшиёна ўлди-риб, мол-мулкларига эга бўлдилар. Шуниси таажубланарлики, инсон қиёфасидаги бу иблислар сиз билан биз қатори, оддий кўринишда, ёнма-ён яшаб, ўзларининг қилимшларини пок сув яширишига умид боғлаб, кундан-кунга қўлларини беғуноҳлар қонига ботираверган. Ва, ниҳоят... “Ажал фермаси”-нинг фаолияти ошкор бўлди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ўзи хон, кўланкаси майдон бўлган уюшган жиноий гуруҳ қўлга олинди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукми билан жиноий тўда аъзолари отувга ҳукм қилинди.

Нега бу мавзуга яна қай-тилди деган савол туғилиши табиий. Воқеага қайтишимизга сабаб, яқинда республика ички ишлар вазирлиги ходимлари ўлик ташувчи “Доган”нинг ҳайдовчиси Шухрат Хўжаевни Қозоғистоннинг бепоён худудида қўлга олдилар. Шухрат Хўжаевга ҳам суд ҳукми билан ўлим жазоси берилди. Мана, энди ҳақиқий “разборка” нариги дунёда бўлади.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

# ҚАЙТАР



олиб ўтдилар. У ерда маҳсус тайёрланган арқон билан бўғиб ўлдирдилар. Ал-ланимани сезган ота-бола Раҳимовлар қочиб кетгандилар. Баҳром билан Шухрат тезда уларни топиб келди, йўлни билмаган бегона жойда пиёда қаергача ҳам борардилар... Вагонда ота-болани бир-бирларининг кўз ўнгида ваҳшийларча қийнаш бошланди. Уларни қидириб кетган Мурод Худойназаров ва Шухрат Бобононовлар қайтганларида ота-бола ҳали тирик эди.

— Ўлдирилглар! — деб буюрди Баҳром уларга. Мурод Худойназаров маҳкумларга пичоқ санча бошлади. Пичоқни маҳорат билан юрак, ўпка, нафас йўлларига сира аямай санчди. Мурдалар Шухрат Хўжаев бошқарувидаги “Доган” машинасида дарёга ташланди. Марҳумларнинг ёнидан чиққан 20 минг сўм пул, ҳужжатларни Баҳромга бердилар. Пиёз ва юк машинасига ҳам Баҳром эгалик бўлди.

Навбатдаги “ов” ҳам “Отчопар” бозорида кечди. Шухрат, Баҳром, Шомурод машина бозорига кирдилар. Баҳром Абдуманноп Ганиевнинг “Жигули” машинасига кўз солиб харидор бўлди. Нарх устида бироз тортишганларидан сўнг, одатдагидай, машиналар

олиб ўтдилар. У ерда маҳсус тайёрланган арқон билан бўғиб ўлдирдилар. Ал-ланимани сезган ота-бола Раҳимовлар қочиб кетгандилар. Баҳром билан Шухрат тезда уларни топиб келди, йўлни билмаган бегона жойда пиёда қаергача ҳам борардилар... Вагонда ота-болани бир-бирларининг кўз ўнгида ваҳшийларча қийнаш бошланди. Уларни қидириб кетган Мурод Худойназаров ва Шухрат Бобононовлар қайтганларида ота-бола ҳали тирик эди.

— Ўлдирилглар! — деб буюрди Баҳром уларга. Мурод Худойназаров маҳкумларга пичоқ санча бошлади. Пичоқни маҳорат билан юрак, ўпка, нафас йўлларига сира аямай санчди. Мурдалар Шухрат Хўжаев бошқарувидаги “Доган” машинасида дарёга ташланди. Марҳумларнинг ёнидан чиққан 20 минг сўм пул, ҳужжатларни Баҳромга бердилар. Пиёз ва юк машинасига ҳам Баҳром эгалик бўлди.

Навбатдаги “ов” ҳам “Отчопар” бозорида кечди. Шухрат, Баҳром, Шомурод машина бозорига кирдилар. Баҳром Абдуманноп Ганиевнинг “Жигули” машинасига кўз солиб харидор бўлди. Нарх устида бироз тортишганларидан сўнг, одатдагидай, машиналар

олиб ўтдилар. У ерда маҳсус тайёрланган арқон билан бўғиб ўлдирдилар. Ал-ланимани сезган ота-бола Раҳимовлар қочиб кетгандилар. Баҳром билан Шухрат тезда уларни топиб келди, йўлни билмаган бегона жойда пиёда қаергача ҳам борардилар... Вагонда ота-болани бир-бирларининг кўз ўнгида ваҳшийларча қийнаш бошланди. Уларни қидириб кетган Мурод Худойназаров ва Шухрат Бобононовлар қайтганларида ота-бола ҳали тирик эди.

— Ўлдирилглар! — деб буюрди Баҳром уларга. Мурод Худойназаров маҳкумларга пичоқ санча бошлади. Пичоқни маҳорат билан юрак, ўпка, нафас йўлларига сира аямай санчди. Мурдалар Шухрат Хўжаев бошқарувидаги “Доган” машинасида дарёга ташланди. Марҳумларнинг ёнидан чиққан 20 минг сўм пул, ҳужжатларни Баҳромга бердилар. Пиёз ва юк машинасига ҳам Баҳром эгалик бўлди.

Навбатдаги “ов” ҳам “Отчопар” бозорида кечди. Шухрат, Баҳром, Шомурод машина бозорига кирдилар. Баҳром Абдуманноп Ганиевнинг “Жигули” машинасига кўз солиб харидор бўлди. Нарх устида бироз тортишганларидан сўнг, одатдагидай, машиналар



# ЦИКЛОКРОССВОРД

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля бўйича:** 1. Чумқуқсимонлар оиласига мансуб гала-гала бўлиб учувчи парранда. 2. Ўтмишда масалаларни шариат қонун-қоидаларига мувофиқ ҳал этиб ҳукм чиқарувчи амалдор. 3. Қорақалпоғистондаги туман. 4. "Қуръони карим"ни қироат билан ёддан ўқувчи киши. 5. Ўш-Хоруғ йўли ўтган орқа Олой тизмасидаги доvon. 6. Қуритилган мева. 7. Фарғона вилоятидаги шаҳар. 8. Қуёш тикка кўтарилган пайт. 9. Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги кўмир қончилари шаҳри. 10. От гўштидан тайёрланадиган яхна таом. 11. Заҳарли чўл ўргимчаги. 12. Электр занжири ёки магнитнинг қарама-қарши томонларидан бири. 13. Ҳарбий қўшин бошлиғи лавозими. 14. Қора ва Азов денгизлари ўраб турувчи ярим орол. 15. Мақолдан: "Яхшига... юқмас, ёмонга эл боқмас". 16. Тик, тикка сўзларининг китобий атамаси. 17. XIII аср охири ва XIV аср биринчи ярмида яшаб ўтган эрон муаррихи ва жўрофия олими. 18. У билганни пари билмас. 19. Таом пишириш усулларидан бири. 20. Ширинлик тури. 21. Бўғим-бўғим узун пояли ўсимлик билан қопланган маскан.


## КРИПТОГРАММА

### Очқич сўзлар:

1. Енгил автомобилнинг тўрт эшикли икки ёки уч қатор ўриндиқли кузови — 15, 11, 14, 1, 4.
2. Қадимги Миср фиръавнларининг пирамида шаклидаги улкан мақбаралари — 13, 18, 9, 17, 8.
3. Ҳикматдан: 20, 3 иши қовурмоқ, ел иши совурмоқ.
4. Қисқа муддатли коинот ҳодисаси — 5, 12, 2, 4.
5. Шоир Чўлпон қаламига мансуб оташин шеър — 10, 1, 6, 19.
6. Ер сатҳи ўлчови бирлиги — 16, 11, 7, 3, 1, 9.

**Энди очқич сўзлари асосида шакл атрофидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб криптограммани ҳал этинг. Ундан XVI асрда яшаб ўтган ўзбек шоири Саид Қосимийнинг икки мисра ҳикматли сўзларини билиб оласиз.**

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



## ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КРОССЧАЙНВОРД ВА КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Каспий. 2. Йилки. 3. Ироқи. 4. Иордан. 5. Нафтандоз. 6. Заргарлик. 7. Капрон. 8. Нўхат. 9. Тилла. 10. Арслон. 11. Новвойлик. 12. Компостер. 13. Райхон. 14. Нишон. 15. Нохун. 16. Нитрат. 17. Тошдароҳт. 18. Тиллақори. 19. Исфара. 20. Алоқа. 21. Аршин. 22. Новвот. 23. Тезлаткич. 24. Чилкаклик.

### КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар: 1. Дарс. 2. Билиг. 3. Чўт. 4. Кенгаш.  
Ҳикмат: Дили бегидир киши чин дўст саналади.

## ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ИИБ Бирлашган таҳририяти ички ишлар идоралари ходимларининг эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича олиб бораётган хизмат фаолиятларини бадий ёритишга бағишланган ҳикоя, очерк, шеър жанрларида энг яхши асарлар учун "Эл-юрт осойишталиги ҳимоясида" деб номланган тавлов эълон қилган эди. Тавловга келган асарлар 1999 йил давомида "Постда", "На посту" газеталари ва "Қалқон", "Ўш" журналларида эълон қилиб борилди.

Тавлов Ҳайъати тақдим этилган асарларни кўриб чиқди ва ғолибларни қуйидагича тақдирлашга қарор қилди:

### Ҳикоя жанри бўйича:

**биринчи мукофот** — ИИБ Бирлашган таҳририятининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири Дурдубой Худойшукуровга "Болагинам боласи", "Йулбарс панжасидаги доғ" ва "Йиғисиз кўмилган жасад" деб номланган ҳикоялари учун;

**иккинчи мукофот** — Ўзбекистон радиоси "Табассум" радиожурнали ходими Ориф Фармонга "Тилхат" ҳикояси учун;

**учинчи мукофот** — Пахтакор тумани ИИБ ходими, милиция подполковниги Туроб Қоржовов (Туроб Юсуф)га "Йиртқичларнинг енгиллиши" ҳикояси учун.

### Очерк жанри бўйича:

**биринчи мукофот** — Нақлиёт ИИБ ШТБХ бўлим бошлиғи, милиция капитани Ҳакимжон Юнусовга "Ҳаёт мазмуни билан қадрли", "Отим ориқ, манзил йироқ столмайман-ей..." номи публицистик мақолалари учун;

**иккинчи мукофот** — ИИБ бирлашган таҳририяти мухбири Садриддин Шамсиддиновга "Участка вакилининг бир куни" мақоласи учун.

### Шеър жанри бўйича:

**иккинчи мукофот** — М. Турғунбоева номидаги "Баҳор" халқ дастаси ходими Мирқодир Худойбергеновга "Ёдгорлик гуллари", "Тилақларим" шеърлари учун;

**учинчи мукофот** — Андижон вилояти Маданият ишлари бошқармаси халқ ижодиёти марказининг муҳаррири Замира Рўзиевага "Юртга Сиздек ўғиллар керак", "Мард оғам, мард иним бўл!" шеърлари учун.

### Разбатлантирувчи мукофотлар:

— ИИБ Академияси 3-курс тингловчиси Эркин Муродовга "Йиллар узра сени куттайман" шеъри ва ички ишлар идоралари фахрийси Юрий Вологинга туркум шеърлари учун берилди.

**Мукофот соҳибларини ИИБ раҳбарияти ва Бирлашган таҳририят ижодий жамоаси номидан самимий қутлаймиз ва уларнинг ижодий ишларида катта ютуқлар тилаймиз!**

## ДИККАТИ

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти билан мутлақо алоқада бўлмаган, аммо таҳририят нашрлари бўлиши "Қалқон", "Ўш" журналлари, "Постда", "На посту" газеталари ходими сифатида ўзини таништириб юрган кимсалар кўлаб учрамоқда.

Қорхона-ташкilotлар раҳбарлари, фуқароларимиздан бундай кишилардан тегишли хужжатларни талаб қилишларини, лозим ҳолларда бизга телефон қилишларини сўраймиз.

## KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

**ҚҮЙ (21 март — 20 апрель).** Душанба ва сешанба кунлари ҳамкасбларингизга ўз ҳақлингизни исботлаш учун кўп асабийлашингизга тўғри келади. Сешанба ва жума кунлари жисмоний ва маънавий жиҳатдан фаоллик кўрсатасиз. Яқшанба кунлари ажойиб инсон билан учрашув кутилмоқда.

**СИГИР (21 апрель — 21 май).** Ҳафтанинг биринчи ярмида қутилаётган оилавий муаммолар ижодий режаларингизни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Бажарилмай қолган юмушларингизни жума-шанба кунлари уйдан олиб муваффақ бўласиз. Яқшанба кунлари яқин кишингиз билан низо келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь).** Сешанба кунги ишқий саргузашт ва чоршанба кунги меҳнат муваффақияти ҳафтанинг энг қувончли дамларидир Жума кунги хушxabарлардан хабар топасиз. Яқшанба кунги тақдирингизга бевосита таъсир кўрсатувчи инсон билан учрашув бўлиб ўтади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль).** Мазкур ҳафтада кўшимча даромад ишлаб олиш учун бироз тёр тўкишингизга тўғри келади. Пайшанба кунга бориб саъй-ҳаракатларингиз ўз самарасини беради. Дам олиш кунларини шаҳар ташқарисида ўтказишни маслаҳат берамиз.

**АРСЛОН (24 июль — 23 август).** Ҳафта давомида омад кулиб боқади, имкониятдан фойдаланинг. Касбингиз билан боғлиқ юмушларни бажариш учун душанба, сешанба ва жума кўлай кунлардир. Севги эҳтирослари билан боғлиқ муаммоларни пайшанба кунлари эътиборингиз маъқул. Дўстлар билан учрашув учун шанба муваффақиятли кундир.

**БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь).** Сешанба кунлари юқори лавозимдаги инсонлар билан мулоқот қилмасликни маслаҳат берамиз. Чоршанба кунлари янгиликлардан бохабар бўлиб, кўнглингиз тоғдек кўтарилди. Дам олиш кунларидаги дамларингиз қувноқ даврада ўтади.

**ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь).** Душанба кунлари режалаштирилган ишларингизни амалга ошира олмайсиз. Аммо бошқа кунлар омад кулиб боқади. Молиявий ютуқ, шахсий ҳаётингиздаги муваффақият, яхши харид шулар жумласидандир.

**ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь).** Ҳафтанинг биринчи ярмида ижодий фаолликка эришасиз. Амалий ишлар пировардида ўз мевасини беради. Ҳафтанинг охирида яқинларингиз саломатлиги учун қайғуринг.

**ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь).** Ушбу ҳафта муваффақиятли кечади. Сиз касбингиз билан боғлиқ ҳар қандай юмушни уйдан олиб муваффақ бўласиз. Шундан сўнг маълум осойишталик бошланади. Бу даврда ўз имкониятларингизни яна бир бор таҳлил этиб олинг. Керакли йўналишдаги юмушлар билан машғул бўлишни маслаҳат берамиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь).** Душанба-сешанба кунлари талайгина маълумотларни қўлга киритасиз. Чоршанба кунлари қутилаётган ишбилармонлик учрашуви омад келтириши эҳтимолдан холи эмас. Жума кунлари анчадан бери қутилаётган битимни имзолашга муваффақ бўласиз. Қариндошларингиз билан яқшанба кунлари келиб чиқадиган низо хайфиятингизга салбий таъсир этади.

**КОВҒА (21 январь — 19 февраль).** Пулни тежаб сарфлашга ҳаракат қилинг, чунки яқин кунларда ҳамёнингизга маблағ тушмайди. Жума кунлари қутилмаган воқеаларнинг рўй бериши яқин дўстингизга бўлган муносабатингизни ўзгартириб юборади. Ушбу ҳафтада кўнглини учрашув бўлиб ўтади.

**БАЛИҚ (20 февраль — 20 март).** Душанба кунлари ўзингиз қутмаган воқеанинг гувоҳи бўласиз. Чоршанба кунлари ижодий фаолликда ўтади. Барақали меҳнат фаолиятингиз бошлиқлар томонидан пайшанба кунлари рағбатлантирилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси ва Марказий шифохона жамоаси Марказий госпиталнинг бўлими бошлиғи ички хизмат катта лейтенанти Ҳамид Эргашевга отаси **Қосим ЭРГАШЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик билдирадilar.

Наманган вилояти ИИБ, ЁСБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Янгиқўрғон тумани ИИБ ДЕНБ бошлиғи ички хизмат майори **Иброҳимжон АБДУЛЛАЕВ**нинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадilar.

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1



Gazeta haftaning juma kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Muharrir Erkin SATTOROV (Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Navbatchi: S. SHAMSIDINOV  
Musahhihlar: M. AKRAMOVA, G. XOLIQOVA  
Sahifalovchi va dizayner: A. MIRZAMUHAMEDOV

### TELEFONLAR:

Bosh muharrir o'rinbosari — ..... 139-77-23.  
muharrir bo'limi ..... 139-75-69.  
Faks ..... 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: ..... 54-37-91, peyjer: .... (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi peyjer ..... (088) 55-54

Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21506000200447980001, MFO 00014.

- Ko'chirib bosishda "Postda"dan ekanligini ko'rsatish shart
- Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.
- Muallifning mulohazasi tahrirat fikriga mos tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.

Ro'yxatdan o'tish tartibi № 00007. Buyurtma № 112. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — ..... 19.00. Bosishga topshirildi — ..... 18.00.

Obuna raqami — 180

116 665 nuxxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni boshqaruvchisi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.